

ПОЛВОНЛАРИ КЎПДИР БУ ЭЛНИНГ...



**БЕФУБОР ФАСЛ
БЕКОР ЎТМАСИН!**

ТЕЛЕВИДЕНИЕГА ҚАЙТАМИЗ, ЛЕКИН...



**ЙЎЛБАРС ЙИЛИДАН
НИМАЛАРНИ КУТАЯПСИЗ?**

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУФ БЎЛСИН!

Янги йил

Келавер қандай келсанг ҳам,
Кимлар етди сенга, кимлар етмади.

Сен янги йўлдошсан,
Сен янги ҳамдам,
Йўқлаб келганингни
ўзи бир байрам!..

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

КЕЧА:

→ Шу йилнинг 24 декабридан бошлаб Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун кучга кирди.

→ 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Дастлабки натижаларга кўра, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига 96 та сайлов округида депутат сайланди. Қонунчиликка биноан, қолган 39 та сайлов округида икки ҳафталик муддатда энг кўп овоз олган депутатликка икки номзод учун қайта овоз бериш ўтказилади.

БУГУН:

→ Пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда “Sen yolg'iz emassan” Республика болалар жамоатчилиги жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган “Президент арчаси” тантаналари иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан совғалар тақдим этилди. Бу тадбир Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам ўтказилмоқда.

ЭРТАГА:

→ 2010 — ЙЎЛБАРС ЙИЛИ БОШЛАНАДИ. Эҳ, қанийди, бўралаб-бўралаб бир қор ёғиб берса...

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Теледастурлар	8-10
Тўрт марта нишонланадиган Янги йил	12
Ҳадяга шартнома шартми?	12
«Кўча маданияти» хато маданиятга айланганда...	16
Кўзи ожиз магистрлар ёхуд меҳрдан олинган куч	17
«Барҳаётлар академияси» ва бахтиқаро ота қиссаси	19
«Овқат» сўзи вақтни билдирадими?	24

12 ГА БОНГ УРАР СОАТ!

Соат ўн иккига бонг урганида дингизда мавж урган ҳаяжонни таърифлай оласизми? «Ёшим яна бир йилга улгайди-я! Умр тез ўтиб бораёпти», деб хиёл хўрсинасиз-у, яна шу заҳоти атрофингиздаги ўғил-қизларингиз, набираларингиз чарақлаб турган кўзларига, қувонч ила порлаган нигоҳларига қараб, «Йиллар уларни тез камолга етказаяпти, шукр!» деб суюнасиз. Аллақачон бунёдкор халқимиз сафига қўшилган етук фарзандларингизга янги омадлар тилайсиз.

— Шулар омон бўлсин! — дейсиз хаёлан сўзлаб, — она юртимиз, ота маконимизга ҳеч қачон кўз тегмасин. Тинчлик, хотиржамликда халқимизнинг иқболи кулиб-яшнаб турсин, Толоимиз янада баланд келсин!

Юртбошимиз 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб номладилар. Ва «**барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган**

авлодни тарбиялаш орзуси туради», дея юксак ишонч билдирганликлари ҳам бежиз эмас. Ҳар бир кунимиз илм ўрганишга, меҳнату ижод, яратиш зафарларига тўлиб-тошсин. Ёшларга тилагим: томирларидан буюк аждодларимизнинг қони оқиб турганини ҳар лаҳза ҳис этиб турсинлар. Илоҳим, янги йилимизнинг ҳар бир куни яна улғувор бунёдкорликларга тўлсин, Она за-

ИЗҲОР

минда чинордек илдиз отайлик...


Ҳа, сиз бир дунё яхшиликларга йўғрилган дуоларингизни айтиб-айтиб, ҳеч тугата олмайсиз. Қатор-қатор зурриёдларингиз эса атрофингизда парвона бўлиб, Сизни табрикляшади. Ана, бўйлари етук кенжа қизингиз Сизни ўпиб-кучиб, узоқ умр тилаяпти. «Бу йил ўқини битиради-я шу қизим, — ўйлайсиз яна, — муаллима бўлади. Илоҳим, у минглаб болаларга илм-маърифат ўргатсин. Меҳр-муҳаббат, одамийлик сабоғини, яхшилик сўзини уларнинг юрагига ўчмас ҳарфлар билан ёза олсин...»

Ҳа, барча оналару, оталарнинг орзулари, дуолари халқ ва Ватан манфа-

ати, эл-юрт бахт-саодати, тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Аслида ниятнинг, дуоини тилакнинг катта-кичиги, ярим-ёртиси ҳам бўлмайди. Бутун бўлади ният! Демак, отанинг ҳам, онанинг ҳам ягона умиди, орзуси — фарзанди туғилиб ўсган Ватанига содиқ бўлсин!

Соат ўн иккига бонг урганда юрагингиз ҳаяжонга тўлади. Хўш, умрингиз саҳифасига битилган яна бир йилингизни инсоф мезони билан ўлчанг-чи: Янги йилга ёруғ юз, тоза дил билан қучоқ очиб, пешвоз чиқаяпсизми, азиз замондошим? Кўнгилдан ёп-ёруғ ниятлар, тилаклар тўкилади! Эркили туйғуларимиз, бахт ва секинларимиз, тўкин дастурхону тинч ҳаётимизга доя бўлган Мустақиллигимиз боқий бўлсин!

Ҳайқирик, қўтловлар тутади оламини: Янги йил келди, янги йил! Янги уйлар, янги мактабу янги йўллар, янги боғу хирмонлар бунёд бўлади насиб



этса. Озод ва обод Ватанимизда Инсон туғилиши, улгайиши, гуллар очилиши, кўёш чарақлаши, чехраларда табассум барқ уриши — буларнинг ҳаммаси бахту иқбол нишонасидир. Илло, ҳар йили соат ўн иккида ёруғ юз билан юзлашиш ҳар биримизга насиб этсин!

Санъат МАҲМУДОВА

МИЛЛИЙ УДУМЛАР

ша кўрайлик!

Бу ўзига хос чорлов садолари нафақат Чусту Поп томонларда, балки улкан Чотқол тоғ тизмалари бағрида ҳам акс садо берди.

“Халоллаб ташлайсан, гирром кетмайди. Чилвир солганга

тоғли Чуст туманидаги Фоввасой қишлоғида бўлиб ўтган ажойиб улоқ-кўпкарининг таърифини бирма-бир келтириш мушкул.

Баҳром полвон ТЕША-БОЕВ, Фарғона вилояти, Бувайда туманидан:

— Бизнинг водийдаям шунақа эпчил, чаққон полвонлар борки, уларга тан бермасдан илоҳингиз йўқ. Кўряпсизми, ҳув анави уч ака-укани кузатинг-да: ҳар ўн дақиқада бирма-бир соврин олаяпти. Тўрақўрғонлик Карим, Ботир, Бақиш полвонлар қаерда улоқ бўлса, асосий зотлар шуларники.

дул отлар Баҳром полвонники. Ўзиям бир пайтлар зўр полвон бўлган.”

Хуллас, шу кунги кечгача отлар дупури, чавандозлар ҳайқирғи тинмади. Совринлар ҳам кўп бўлди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бу даврада 5-10 ёшли полвончаларнинг, ҳатто қизларнинг ҳам от устида адл туриб, бу қизгин



ПОЛВОНЛАРИ КЎПДИР БУ ЭЛНИНГ...

“Одамлару одамлар, эшитмадим деманглар, бугун Дагарвой ака беш ёшли Саиджон неварасининг суннат тўйига атаб улоқ беряпти. Бу ёғи Анджону Ўшдан, у ёғи Кўқону Тошкентдан манаман деган чавандозлар келишган. Қани, Янги йил арафаси бир мазза қилиб томо-

эшитиб кўйинглар, соврин йўқ!”

“Ана, яна Баҳром полвоннинг отлари келибди, энди зот тегармикан бизларгаям?”

“Пиёдалар, илтмос, ўртага тушманглар, отлар жуда кўп. Ҳув қирга чиқиб олинглар!”

Наманган вилоятининг

Бу гапларни эшитган тўй соҳиби, ўзи умргузаронлик қилаётган сув чиқиши қийин бўлган тошли ҳудудларни обод қилишда фидойилик кўрсатгани учун ҳалигача одамлар орасида “Фоввасойнинг виждони” деган баҳони олган қўли гул боғбон Дагарали Соатов бўлса секин шивирлаб қўяди: “ Ўша дул-

беллашувни берилиб томоша қилаётгани кўнглимизга гурур ва қувонч бағишлади. Андижондан келган Ўринбой полвон, Фарғонанинг Бувайда тумани келган Умиджон, Ҳожиакабар полвонлар, Наманганнинг Каркидон қишлоғилик Валижон полвон, фоввасойлик Жуманбой, Қаҳҳор

ва Мухиддин полвонлар ҳам анойилардан эмасликларини исботлашди.

Ниҳоят, кекса отахонлардан бири ҳали-вери чарчаш нелигини билмаётган абжир чавандозларни ёнига чорлаб “отларга ҳам дам берайлик, тўй бир кунлик эмас, эртага эса шу қишлоқда Сотимбой ака улоқ бермоқчи. Қани энди кўпкарини тугатиб, тўй болани бир олқишлаб қўяйлик. Илоё, элимиз тинч бўлсин, ҳаммамизни ана шундай тўй-томошаларга етказсин!” дея қўлини дуога очди...

(Ўз мухбиримиз)
Наманган вилояти

Суратларни Жавҳарбек
ҚОДИРОВ олган.



2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

БЕГУБОР ФАСЛ БЕКОР ЎТМАСИН!

Ёшлигининг кадрига етгин! Ундан қимматли нарсани тополмайсан. Ана шу топилмас дунёни худди олтин каби истаган нарсангга ишлатишинг мумкин, дея донишмандларимиз бежизга айтишмаган. Чунки балоғатга етган чоғда куч-қувват ҳам, имконият ҳам етарли бўлади.

Ўзларидаги бу каби кенг имкониятлардан фойдаланиб, юртимиз шаънини кўтаришга интилаётган ёшларимиз сафи эса йил сайин ортаётгани кувончлидир. Ўзбекистон давлат консерваториясининг академик вокал бўлими 3-босқич талабаси, қорақалпоғистонлик Женисбек Пиязов ана шундай истиқболи порлоқ ёшлардан биридир.

— Женисбек, асли санъаткорлар оиласида туғилган экансиз-а?

— Хонадонимизда деярли ҳамма санъаткор. Дадам Буржет Пиязов мусиқа мактабида дугордан дарс беради. Онам Инжигул Собурова «Мухаллес» ансамблида гижжакчи. Ака-укаларим, опаларимнинг ҳам касби санъат билан боғлиқ.

— Сиз эндигина катта санъат оstonасига қадам қўяёсиз. Танлаван соҳангизда осонликча муваффақиятга эришиб бўладими?

Қолаверса, ҳаётда шиорингиз борми?

— Бир сирни айтимай сизга, исмининг асл маъноси Женисбек яъни, ғалаба, дегани экан. Шиорим доимо олға интилом, ғалабага, ютуққа эришмоқ. Шу боис айтмоқчиманки, ҳар қандай қийинчилик, тўсиқларни энгиш учун мен ўзимда куч топа оламан.

— Нима деб ўйлайсиз, оилада, ўкув даргоҳларида таълим-тарбия масаласида қаттиққўллик керакми? Буни айримлар ёқлайди, айримлар эса...

— Менинг устозим Абат Қалиев ҳам, отам ҳам жуда қаттиққўл инсонлар. Хар иккаласи ҳам бирор мусиқа асбобида куй ёки қўшиқ ўрганаётганимда кўнгилдагидай ижро этмаганимча устимдан тамбалаган эшикни очшмасди. Ана шундай талабчанлик натижасида 2007 йил «Нихол» мукофоти совриндори бўлдим. Яна шу йили Республика коллеж ва лицейлариаро ўтказилган кўриктанловда ҳам голиб чиқдим.

— Ортада қолаётган 2009 йил сиз учун қандай кечди?

— Яқинда Москва шаҳрида ўтказилган нуфузли «Ро-



мансиада» танловида олтин медал соҳиби бўлдим. Айниқса, жaxon опера санъати намояндalари Леонид Болдин ва Александр Ведерниковлар бу нуфузли мукофотни менга тантанали топшираётганида ниҳоятда ҳаяжонга тушдим.

— Қайси хорижий давлатларда бўлгансиз?

— Франция, Испания, Португалияга бориб келдим. Ва қайси юртга борган бўлсам, шу юрт, шу халқ тилида қўшиқ куйладим.

— Ёшлик, яъни «олтин давр» имкониятларидан фойдаланмаётган тенгдошларингизга нима деган бўлардингиз?

— Авваломбор, мен шундай муқаддас, жаннатмонанд Ватанда яшаётганимдан бахтиёрман. Ёшлик эса ўткинчи фасл. Куч-қувват, шарт-шароит бориди ўқиш, изланиш, ишлаш керак. Ҳали вақт бор, сал ўйнаб қолай, отаонам боқади-да, деганларни кўрсам, очиги, ачинаман холос.

— Янги йил тилақларингиз.

— Халқимиз доимо омон бўлсин. Тинчликнинг, ёруғ кунларнинг кадрига етайлик. Президентимиз 2010 йили «Баркамол авлод йили» дея эълон қилдилар. Албатта, бу ишонч ва рағбат, эътибор бўлиши билан бир қаторда энг аввало биз — ёшларга жуда катта масъулият, вазифа юклайди. Ватанга содиқ бўлиш, хизмат қилиш тилда эмас, дилда, юракда, амалда бўлиши истиайман.

«Оила ва жамият» муҳбири Барно СУЛТОНОВА сўхбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҰМИТАСИ
ЖАМОАСИ

Юртодошларимизни
2010 — Баркамол
авлод йили билан
самимий мувораққод
этади!

Жаннатмонанд
Ватанимизда

тинчлик ва
осойишталик барқарор,
барча оилаларга
тотувлик, аҳиллик ва
хотиржамлик ҳаминша
йўлдош бўлсин!



— Сихат-саломатлигимиз, — дейди биз билан сўхбатда Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлигининг ўринбосари Гулсара ИСАХОНОВА.

— Шу энг улўф бойлигимиз, фарзандларимизнинг эртанги камолоти билан бевосита боғлиқ бўлган Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори барчамиз учун дастуриламал вазифаси бўлганини алоҳида таъкидлашни истардим.

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

ЭНГ УЛУҒ БОЙЛИК — ЎЗИМИЗ ВА...

— Ана шу қарорнинг Тошкент вилоятида бажарилиши билан боғлиқ мисолларни айтиб ўтсангиз.

— Албатта, ўз вақтида қабул қилинган бу муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, қолаверса, унда белгилаб берилган долзарб масалалар, вазифалар ҳусусида жойларда жамоатчилиқ

билан ўтказилаётган учрашув, мулоқотларда атрофлича сўз юритилаяпти. Мутахассислар, малякали шифокорлар, ҳуқуқшунослар ҳамда турли соҳа вакиллари нафақат мазкур қарорнинг беқиёс аҳамияти, балки амалий ижросини таъминлаш борасида ҳам хайрли ишларни амалга оширишмоқда. Масалан, вилоятнинг Бекобод, Бўка, Пскент, Олмалик, Чирчик, Оҳангарон сингари туман ва шаҳарларида уюштирилган тадбирларда ФХДЭ бўлимлари, нотариал идора вакиллари, тиббиёт бирлашмалари, саломатлик марказлари ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари жуда фаол иштирок этишди. Ўз навбатида бу учрашувлар жонли мулоқот тарзида қизилган баҳс-мунозаралар тарзида кечди.

— Гулсара опа, барибир очик айтиш керакки, одамлар орасида ҳамон ўз билганидан қолмайдиган, эскича турмуш тарзида кўникиб қолганлар учрайди. Масалан,

ўз соғлигига бефарқлик, ёки бўлмаса атрофдаги аянчли мисолларни кўра-била туриб, энг яқин қариндошларнинг ҳам ўзаро қанда-анда бўлиши сингари ҳолатларни қандай изоҳлайсиз?

— Яна халқона ибораларга мурожаат қилишга тўғри келадди: «Гуруч курмакисиз бўлмайди» деганларидек, афсуски, азалий урф-одатларимиз моҳиятини тўғри англаб етмаган, тушунмайдиганлар ҳам бор. Бундайларга «барака топгур, давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш борасида шунча хайрли ишлар амалга оширилиб, барча шарт-шароитлар яратиб қўйилган бир пайтда нега бу даражада лоқайдсиз, устига устак қариндошлар ўртасидаги никоҳлар оқибатида ногирон, майиб-мажруҳ бўлиб туғилаётганларнинг аччиқ қисматидан наҳот хулоса чиқармайсиз?» дея куйиниб тушунтирамиз. Яқиндагина Зангиота туманида худди шу мавзуда семинар ўтказдик. Бу тад-

бирда албатта нуфузли идоралар вакиллари, обрўли кекса отахон ва онахонлар билан бирга аксарият ёшларнинг фаол қатнашгани бизни қувонтирди. Чунки эртага катта ҳаёт бўсағасига қадам қўётган ўғил-қизларимиз ўзларидан олдинги авлод йўл қўйган хатолардан сабоқ чиқаради-да.

Энг аввало, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, «Соғлом она — соғлом бола» дастурининг амалдаги ижросини татбиқ этишда айниқса жойлардаги ФХДЭ бўлимларининг масъулияти жуда муҳим. Мана яқинда Самарқандда Адлия вазирлиги ташаббуси билан уюштирилган семинарда ҳам бевосита ФХДЭ бўлимлари фаолияти таҳлил этилди, киритилган янги қоидалар тартиби ҳақида маълумотлар берилди.

Фурсатдан фойдаланиб, Президентимиз томонидан «Баркамол авлод йили» дея эълон қилинган янги — 2010 йил билан барча юртодошларимизни, шунингдек, адлия тизимида хизмат қилаётган ҳамкасбларимизни чин дилдан табриқлайман. Жамиятимизнинг асосий бўғини ҳисобланган оилаларга ҳар доим тинчлик, тотувлик, мустаҳкам соғлиқ ҳамроҳ бўлсин!

«Оила ва жамият» муҳбири Турдикул НОРМАТОВ ёзиб олди.





— Оила сиз учун нима?

Ортик СУЛТОНОВ: — Биласизми, инсон 40 ёшга яқинлаша бошлагач, чин маънода оиланинг ўз ҳаётидаги ўрни нақадар катта эканлигини ҳис эта бошларкан. Биз санъаткорлар ижодида ҳам айнан шу пайтга келиб маълум бир танаффус ё узоқ муддатли сокинликнинг юзга келиши ҳам бевосита оила, улғайиб қолган фарзандлар олдидаги масъулият, бирин-кетин бошланадиган ташвишлар боис содир бўлади. Тўғри Фарбада санъаткор айна шу ёшда энг асл ва ҳақиқий ютуқларга эриша бошлайди. Чунки, Европа санъаткори керак бўлса кунига 18 соатлаб ишлайди. Изланади, янгиликлар яратлади. Аммо у ўзини фақат ўзига бағишлайди. Шу умри фақат ўзиникидир, яъни ўзи учунгина



яшайди. Бизда эса худого шукрки, суткасига 18 соат ишламаса ҳам эришган ютуқларимиз етарли. Чунки орамизда кўпчилик умрини санъатга бағишлаган бўлса-да, ўз оиласи учун ҳам жонини аямайди. Умуман олганда эса Шарқ аввал бошданок цивилизация бешиги эди. Ўзбек оиласи эса ишончим комилки, бутун дунёга ўрнак бўла оладиган даражадаги комилликка эгадир. Шу сабабдан ҳам ОИЛАМ гарчи бу кўп такрорланган ибора бўлса-да — **ҲАЁТИМ МАЪНОСИД**ир.

— **Фарзандларингиз ҳам санъатга қизиқадими?**

— Тўнғич ўғлим Бобур ҳозир 19 ёшда, жуда босиқ, жиддий йигит бўлган. Камолиддин Бехзод номдаги дизайн ва рассомчилик институти талабаси. Жаҳон архитектурасига қизиқиши баланд. Ажабмас, бир кун келиб у ҳам боболарига ўхшаб муҳташам ва асрлар оша яшайдиган кинолар курса...

Уртанчамиз Ҳожибой эса 16 ёшга тўлган бўлса-да, ҳали-ҳамон жуда шўх. У уйда бўлмаса, гўё бутун дунё жим-жит бўлиб қолгандай. Ўзи шарқ-шумслик лицейида ўқийди. Лекин ҳозирданок унга ўз шартимни қўйиб бўлганман: ўзбек латифаларини бошқа шарқ тилларига таржима қилсан, деб. Учинчи ўғлим Худойбердига келсак, у ҳозирча мактаб ўқувчиси. Лекин шу болада санъатга қизиқиш бордай. Негаки, юмори тез ҳис қилади, сезгирлик даражаси кучли, мусиқа асбобларини чалади, хиргойи қилади, хуллас, шу ўғлим санъатни танласа, балки келгусида уни ёнимга оларман деган ниятним ҳам йўқ эмас.

Ўғилларимни яхши кўраман. Лекин барибир қизим Шодия туғилганидан сўнг бутун дунё кўз олдимда ўзгариб кетган. Ана шундагина оталик масъулият нима эканлигини чуқур англаганман. Энди тунлари йўл-

ТЕЛЕВИДЕНИЕГА ҚАЙТАМИЗ, ЛЕКИН...

«Хандалак» гуруҳи аъзолари Ортик Султонов ва Зокир Очилдиев

УЧРАШУВ

пўлда ёлғиз юрган бирор қизга кўзим тушса, юрагим «шиғ» этиб кетади. «Дадаси билармикан, қизи қаерда юрганини», деб ўйлайман. Албатта қизимнинг санъаткор бўлишини мутлақо истамайман. Ўзи эса ҳозирданок: «Дўхтий бўламан, «жиз» қиламан», дейди! Мен қизимнинг бахтли, ақлли, кейин яхши бека бўлишини хоҳлардим...

— **«Хандалак» гуруҳи тарқаб кетиши мумкинми?**

— Қизиги шундаки, мен анчадан буён санъатда юз берадиган 10 йиллик жараён, яъни ҳар 10 йилда юз берадиган ўзгаришларни

— 2009 йил сиз учун қандай ўтди?

Зокир ОЧИЛДИЕВ: — Шахсан мен учун ўтган йил ниҳоятда омадли, биракали ва яхши бўлиб келди. Биринчидан, «Истиклол» санъат саройида намойиш этган концерт дастуримиз кутилганидан ҳам ортиқ муваффақият қозонди. Шу бахонада яна бир бор мухлислар эътиборига тушдик. Бундан ташқари, турли вилоятларда гастроль сафарлари уюштирдик, тўйлар, ҳар хил тадбирлар ва табиийки, шу билан бирга хонадонимда ҳам катта-кичик яхши янгиликлар кўп бўлди. Мана, Янги йил олдида уйимнинг барча қурилиш ишларини ниҳоялаб олдим. Қанийди, кириб келаётган 2010 йил ҳам ижодимизда ана шундай сермахсул бўлса, халқимизга қиладиган хизматларимиз янада кўпайса...

— **Қизикчи бўлсангиз ҳам сахнада камдан-кам жилмаясиз. Уйда қандайсиз?**

— Айтишади-ку, уйига шошган одам бахтлидир, деб. Мен ҳам шундай инсонларданман. Шириндан-шакар фарзандларим, меҳрибон ва оқила аёлим бор. Мен учун энг катта хузур-ҳаловат оиламда. Ҳатто кўчада, ошхонада овқатланиши ҳам хушламайман. Яхшиси, ўша нарсаларни уйга олиб бориб, уйда, бола-чақам билан бирга баҳам кўрсам, деб доим илиниб юраман. Чунки шу кунгача нимагаки эришган бўлмайин, бунда оила аъзоларимнинг ҳиссаси катта бўлган. Ахир яхшимга ҳам, ёмонимга, боримга-ю йўғимга ҳам шулар чидаган, ҳаммиса ёнимда бўлишган, ҳеч ёғзиришмаган, таъна қилишмаган. Ахир қизикчи бўлсак ҳам барибир ижодкоримиз. Ижодкор бир нарсани оилаб ўйлаб юриши мумкин ва ниҳоят бир кун шу фикрларини қозоғга туширишга шахд қилади. Бундай пайтда унга ҳатто боласининг оддийгина хархашаси ёки йиғиси ҳам ортиқча. Кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Дунёни унутади. Лекин бола учун ота — барибир ота! Шўхлиги ё инжиқлигини барибир қилади! Қарабсизки, бутун хаёл тўзиб кетади. Бўлди, тамом! Орада яна бир йил йўқ...

Шу томонларини яхши билгани учун ҳам хотиним ижодий шариот яратишга қуйиб-пишиб уриниб ётади. Ўзи шундоқ ҳам уйда қаттиққўл ва жиддийман. Камима, нимадир ёзмоқчи бўлсам, хотиним болаларни энг охири хонага ҳайдайди. Хуллас, ўша қутилган сукунат, жимлик, хотиржамлик... Аммо қани илҳом? Ишонасизми, болаларнинг овози, дупур-дупур югуриши, шовқини эшитилиб турмаса, ўзим ҳам ҳеч нарса қилолмай ўтираверман... Ахир фарзандларимни кўришга зор бўлган пайтларим ҳам кўп бўлган-ку, майли, тўполон қилаверишмайдимми, дейман ичимда. Хотиним эса «уйда йўқ пайтларингиз болаларингиз ҳам жим-жит бўлиб қолишади. Билиб-билмай қайта-қайта хонангизга бориб келаверишди. Келасизу дарров буларнинг шўхлиги чиқиб қолади», дейди куйиниб. Ҳозирча Райҳона, Рустамбек, Нилуфар исмли фарзандларим бор. Гарчи Рустамимиз бир ўғил бўлса ҳам «лидерлик 6 ёшли қизим Нилуфарнинг қўлида. Уйда-



ги анча-мунча «жиддий» масалаларда шу қизим «элчилик» вазифасини ўтайди.

— **Бир кун келиб санъатни тарқатиб, бошқа соҳада фаолият юритиш ниятингиз борми?**

— Биласизми, болалигимда «ким бўлмоқчисан?» деб сўраша, «Шопир бўламан!» дердим. Ҳатто мактабда ёзган иншомда ҳам бошқа ўғил болалар қатори «шофёрлик касбини ўрганмоқчиман», деб ёзганман. Аммо ич-ичимда жимиллаб бир нарса... актёр бўлиш ҳаваси турарди. Мен киноларга термулар, қизикчиларнинг кассеталарини топиб, бир ўзим тинглар, уларга ўхшаб гапиришга, ҳаракат қилишга уринар, лекин бу ҳақда тиш ёриб бировга айтолмасдим, уялардим.

Охири бўлмади. Мактабни



битирган, «театральнига бораман», дедим юрак ютиб. Уйимиздагилар бу гапдан хангу манг бўлиб қолишган. «Уйлаб гапирысанми? Ўзингдан бир гапни суғуриб олиб бўлмаса, ҳеч бўлмаса шўхроқ ҳам эмассан. Сендан қанақасига артист чиксин? Уруг-аймоқни-ку қўявер, ҳаттоки теварак-атрофимиздан артист чиқмаган-ку!» дейишди. «Ҳеч бўлмаса бир уриниб кўрай...» дедим... Шу қадар илтижо билан сўрабманки, ҳозиргина устимдан кулаётганлар бирдан жим бўлиб қолишди. «Майли, биз розимиз» дейишди улар ҳамон хайронликларини яширмай. Яхшим «уриниб кўрганам». Йўқса, юрагимда бир умрлик армон қоларди: нега ҳеч бўлмаса бир марта ҳаракат қилмадим, деб пўшаймон бўлардим. Чунки санъат — мен танлаган бирдан бир ва ягона йўлдир. Бойисам ҳам, муҳтожликка тушсам ҳам, ҳаётимда қандай ўзгаришлар бўлмасан — барибир шу йўл қолаверади.


Мен ҳали ҳамон санъатга бўлган ҳавасни юрагимда асраб юрган ўша индамас, оғир, юввош Зокирдирман, аммо энди ҳатто тўғри, жиддий гапирсам ҳам одамлар қотиб-қотиб қўлишади, ҳазиллашаркан-а, деяверишади.

— **Тилакларингиз...**

— Юртимиз тинч бўлсин. Тинчлик бор жойда юракка қулғу сиғади, тўй, шодиевалар сиғади, оиланг хотиржам бўлади, болаларинг эса бахтли... Мен барча яқинларим қаторида рафикамни ҳам қутламоқчиман: фарзандларим ва менинг бахтимга омон бўлсин! **Янги йил ҳамминг ва шу билан бирга бизнинг уйимизга ҳам қутли-қутли қадамлар билан кириб келсин!**

«Оила ва жамият» мухбири
Дилфуза ҚЎЗИЕВА
суҳбатлашди.

МОЛПАРАСТЛИК ИЛДИЗИ

 МУЛОҲАЗА

ёхуд ўғил кўрган роҳатда, қиз туққан...

Кўчадан ўтиб кетаётсам, бир дарвоза тагида икки йигитга ёлвориб турган аёлга кўзим тушди.

— Яқинда қиз узатганман, куни кеча эса, қудамниқига ҳайитлик жўнатдим. Айланай, жон ука, бир-икки ой ўз холимага қўя туринг. Кейин албатта, тўлайман! — кўзида ёш айланарди опанинг.

Кўларидоғи каттақон дафтарларидан сездимки, йигитлар — коммунал тўлов назоратчилари. Уларнинг қарздор аёлга қандай жавоб айтганликларини билмадим, йўлимда давом этдим. Лекин аёлнинг бир сўзи мени ўйга толдирди: **«Кўни кеча қудамниқига ҳайитлик жўнатдим...»**

Сўнги йилларда тўй ва бошқа маросимларни тартибга солиш борасида қатор хайрли тадбирлар амалга оширилди. Бу орада сезиларли натижаларга эришилипти ҳам. Лекин бундай маросимлар кам-харж ўтаётгани билан тўйдан кейинги йўқловлар, совға-салом, сават ва тоғоралар жўнатишлар камайяпти. Аксинча, дабдабозликнинг янгидан янги «замонавий» кўринишлари пайдо бўляпти.

— Яқинда, кўёвнинг туғилган кўнида аллақанча саватларга қўшиб, телевизор ҳам жўнатгандик, — дейди Ҳалима деган аёл. — Ўн кундан кейин яна қанча харажат қилишимга тўғри келди. Биратўла иккала кун учун ҳам саватлар жўнамай десам, унашмади. Охири қудамнинг талабига биноан кир ювиш машинаси олиб бордик.

— Ахир, қизингизни институтда ўқитдингиз, мана, мактабда ўқитувчилик қилаяпти. Эшитишимча, кўёвнинг ҳам яхши бир корхонада ишларкан. Сиз қарзга ботиб олиб бераётган жиҳозларни ёшларнинг ўзлари ишлаб топсалар бўлмайдими?

— Вой, биз ҳам шундай деб ўйлагандик, синглим. Қизимизни ўқитиб, нони-

ни бутун қилиб қўйдик, деб кўнглимиз тўқ эди. Йўқ, янглишган эканмиз. Баъзида ўйлаб қоламан: қизимни тўрт йил институтда ўқитиб, бор будимни сарфлагунча, ўқитмасдан сеп йиғсам бўлмас-миди?

Сўхбатдошимнинг фикрини ўзгартиришга ҳаракат қилдим, лекин унинг ташвишли чехраси барибир хайрлашганимизгача ҳам очилмади. Уни тушуниб турардим: қизининг тақдири, турмушига бир арзимаган буюм ё латта-путтани деб дарз кетишини азбаройи истамаганидан шундай қилаяпти. Лекин кўёвнинг ота-онаси нега бундай йўл тутишаётганини эса сира тушунолмадим.

Бошқа бир кун қўшни аёл зорлиқ қолди:

— «Сардоба»да янги ширинликлар дўкони очилганмиш, қаердалигини билмайсизми?

Эшитмаганим боис елка қисдим. Аёл сўзида давом этди:

— Қудамнинг туғилган кўнига айнан ўша жойдан торт сотволишим керак экан.

— Нега энди бошқа ердан эмас?

— У кишимнинг хоҳиши шу эмиш. Эшитишимча, ўша тортларнинг биттаси камиди эллик-олтмиш минг сўм турар экан.

— Шунча қимматидан олиш шартмикан?

— Кошқийди, битта торт билан қутулсам. Ёнига ўн-ўн бешта сават қўшмасам, бошим бир умр маломатдан чиқмаса ке-

рак.

Ўзи касалхонада фаррош бўлиб ишлайдиган, турмуш ўртоғи бундан ўн йиллар аввал вафот этган, узатган қизидан ташқари яна уч дилбанди унинг топганига қараб турганини билганим учун бу аёлга чин дилдан ачиниш кетдим.

Эҳ, одамлар-а, нималарни ўйлаб топишмайди-я! Давлати ошиб-тошиб кетаётган қайсибир бойвучча хонимлар кашф қилаётган, «амалга татбиқ этаётган» одатлар нега бу қадар тез оммалашиб кетаяпти?

Негаки қайноналар (ҳаммаси бўлмаса ҳам) ҳар байрам ва ҳайитларда қудамдан томондан келажак латта-путта, кийим-кечак, турли буюмлар, қатор-қатор саватларга шунчалар орзу-мандки, машаққат билан ўғил «ўстиришинг» роҳатини шунда деб билишади. Бироқ қиз ўстирганнинг айби нима? Битта гўдакни ўн тўққиз-йигирма йил кафтида авайлаб, шамолдан ҳам асраб ўстирсан, аллақанча сеп-сидирга билан уни ўзга бир хонадонга дастёр қилиб узатсан, лекин шундан кейин ҳам она шўрлик тинчимаса?

Кундалик ҳаётимизнинг ҳар қадамида учраётган бу каби воқеаларга гувоҳ бўлар экансиз, буйи тобора бўйинг билан тенглашиб бораётган қизингга боқиб, юрагингни қувонч эмас, балки хавотир қоплай бошлайдисиз. Эртами-индин бу савдолар сенинг ҳам бошингга тушиши шубҳасиз-да! Қизингнинг зиёли, маънавиятли, маданиятли, тушунган ва... ориятли хонадонга келин бўлиб тушиб, бахти очилишини сўрайсан, беихтиёр ху-

додан пичирлаб. Лекин...

Йўловчи «Форд»да узоқ туманга отландим. Йўлда бизга янги келин-кўёв ҳам ҳамроҳ бўлди. Бир-бирига узукка кўз қўйгандек мос тушган ёшларга ҳамма ҳавас билан қарарди.

Улар мен жойлашган ўриндикдан олдингисига келиб ўтиришди.

— Ойингга айт («ойимизга» эмас!), жемперниям, туфлиниям бошқасига, «импорти»га алмаштирсинлар! — дея уқтирарди кўёв бола келинчакка. — Ич кийимларниям ҳаммаси «простой» эди, индамагандим. Бизниқидан икки кун кейин тўйи бўлган Содиқ оғайимнинг қайнонаси кўёвга қилган кийимларни кўрсанг, озинг очилиб қоларди. Онангнинг икки дунёдаям унақасига кучи етмайди...

То манзилга етгунча кўёвнинг жағи тинмади. Бир-икки ҳамроҳлар унга эътирозли назар ташлаб қўйишса ҳам, у сўзлашдан, молпарастлигини намойиш этишдан тўхтамасди.

Яна савол туғилади: Нега биз доим мард деб тан олиб келган, исмига «жон» ёки «бек»ни қўшиб айтадиган йигитларимизнинг айримлари бу қадар паст кетадиган, орсиз бўлиб боришапти? Илди-зи қаерда бу иллатнинг?

Албатта, оилада. Айрим катталарнинг мол-давлатга ружу қўйишлари оқибати ўлароқ фарзандларимиз молпараст, калтабин бўлиб вояга етмаяптимикан? Ҳозирданок хотини томонидан келадиган кийим-кечак, буюм ёхуд егуликларга кўз тикиб турган, ўша нарсаларнинг ҳисобини олаётган эркак эртага болачақасини қандай боқа оларкин, буни тасаввур этиш қийин.

Кечагина бир донга қўйлак ва қийиқча кўринишида бўлган совғалар бугунга келиб телевизор, кир ювиш машинаси, қўл телефони ва ҳоказо, ҳаттоки, автомобилдан иборат бўлиб бораётган экан, буни қандай тушуниш керак?..


Шахло ТОШБЕКОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН

«ESFIR»

ГЎЗАЛЛИК САЛОНИ ҚЎЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:



- * Тўй ва тадбирлар учун ажойиб соч турмаклари
- * Бетакрор макияж
- * Косметология
- * Профессионал соч олдириш
- * Стилист-визажист хизматлари
- * Соч ва киприкларни турли шаклларга келтириш (сочни майдалаб ўриш)
- * Тирноққа оид барча хизматлар (маникюр, педикюр)
- * Танага бадиий услубда нақшлар чизиш (турли кўринишда)
- * Миҳозларга айтилмасдан ўзлари истагандай хизмат кўрсатиш.

Манзил: Тошкент ш., Марказ-5, 59-уй, 29-офис
Тел/факс.: (+99871) 235-55-44,
моб: (+99897) 465-00-44

НИГОХ

ЙЎЛБАРС ЙИЛИДАН НИМАЛАРНИ КУТАЯПСИЗ?



Назар ЭШОНҚУЛ — ёзувчи. «Ўзбекистон» телерадиоканали бош муҳаррири. Мучали — йўлбарс (1962), буржи — эгизаклар.

1. — Тўғри, ўтган йилда ижодий ишларим кўп бўлди. Айримларига улгурмадим. Энг ёмони, бошқа йиллардагидек режалаштирган ва бошлаб қўйган айрим машқларимни ишлашга вақт топмадим. Ўзласимиз, шу йил жуда тез ўтиб кетгандай назаримда. Аммо, умумий жиҳатдан баҳо берадиган бўлсам, 2009 йил зинасидан 2008 га, ундан 2007, 2006... ва 2000 га қараб тушиб борсак, ўша пастки зинадан туриб, 2009 йил турган зинага боқсак, кўп жиҳатдан улғайганимизни, кўп нарсага эришганимизни ва... эришолмаганимизни ҳам кўрамиз. Аммо эришолмаганимиз армон, алам эмас. Бу йилларда амалга ошмаган орзуларимизга эриштириш учун Яратганнинг қуни ва имкони бизни қайсида вақт пиллапоёсида пойлаб турибди. Худого шукр, бу йил ҳам менга аталган ризқунасиба ва ҳаяжонларни, ижодий завқни берди. Фақат бу кучимнинг асосий қисмини моддий ҳаётимга — кўпроқ сериалларга сарфладим. Уларни адабий асар деб атолмайман. Аммо мен бу

Шарқий тақвим бўйича 2010 йил «темир йўлбарс йили» деб аталади. Темир бу — чидамлик, мустаҳкамлик, софлик ва адолат белгиси ҳисобланади. Ўз-ўзидан аёнки, бу йил жасорат, матонат ва рақобатга бой бўлиши кутуляпти. Шунинг учун ҳам янги йилда ҳеч бир қийинчиликдан қўрқмайдиган, метин бардошли, кучли ирода соҳибларигагина омад кулиб боқади. Шарқда йўлбарс оламининг тўрт томони ҳимоячиси сифатида улуғланган. Қадимий афсоналарга кўра, илоҳлар ва қаҳрамонлар йўлбарс терисини ёпишиб юришган. Чунки бу жонзотни табиатнинг қироли деб билишган. Ҳатто Осиёда йўлбарс тасвири кўпгина давлатларнинг рамзий белгиси сифатида қабул қилинган. Бу йилда туғилганлар ўзларининг жасурликлари, кенгфайлиги, чўрткесарликлари билан бошқа мучал соҳибларидан ажралиб туришади. Шу боис ҳам ювощ сизир йилдан кейин келаётган шиддатли йўлбарс йили кутилмаган воқеа-ҳодисаларга бой бўлади, деб башорат қилишмоқда мунажжамлар.

Ушбу йилда ўз мучал ёшларини нишонлаётган турли соҳа вакилларига газетамизнинг қуйидаги анъанавий саволларини бердик:

- Ўтган 2009 йил ҳаётингизда қандай из қолдирди?
- Келаётган 2010 йилдан нималарни кутаяпсиз? Режаларингиз?
- Байрам тилакларингиз?

сериални ўзимга ишонган ҳолда, инсон тақдирини ҳақида илгари келмаган хулосаларим, ҳукмларим, тушунчаларим билан бирга ёзаялман. Бу йил мен эришган ягона хулоса — инсонни, миллатни, юракни барибир меҳр асраб қолади, давр қандай бўлишидан, ким бўлишимиздан ва амалимиздан, бой-камбағаллагимиздан, чиройли-хунуклигимиздан, вақтнинг шиддатидан қатъий назар, бир-биримизни авайлаб-асрашимиз керак, бир-биримизга меҳримиз ва қалбимизни кўпроқ очишимиз ва бағри кенгрок, самимийроқ бўлишимиз, ҳар қандай пайтда тарбия ва ўрнакни ўзимиздан бошлашимиз керак. Агар ўзимиз ўйлагандай инсон бўлолмасак, бошқалардан мукамалликни талаб қилишга ҳақли эмасмиз деган хулосага келдим. Шу сабабли илгари кўплаб муаммолар ва масалларнинг ечими турли жойда, турли одамлар, турли гоюларда деб ўйлаган бўлсам, бу йил ўша ечим менинг ўзимда, кўнглимда деган хулосага келиш бўлди. Бу эҳтимол, мени кўплаб адабиётчилардан сақловчи ва тўғри йўлга бошловчи хулосадир.

2. — Кўп нарса. Бу йил биратўла иккита китоб чиқармоқчиман. Биринчиси, адабиёт ҳақидаги мақолаларим, суҳбатлар, бадиалардан иборат бўлади. Иккинчиси «Ҳаёт суви» романимни чоп этиш, қисса ва ҳикояларимни эълон қилиш. Телевиденида эса баҳоргача 100 қисмдан ошадиган «Опасингиллар» сериалини тўла якунлаш. Яна бир қанча режаларим бор. Буларнинг ҳаммаси амалга ошди деб умид қиламан ва ишонаман. Чунки бахт ва ҳаёт, шодлик ва қувонч, биз умр бўйи излаб юрадиган «саодат сайёраси» биздан ташқарида эмас, у бизнинг ўзимизда, ичимизда. Уни ўзимиздан излаб топишимиз, ўзимизни кашф қилишимиз керак.

3. — Мен кейинги пайтда яна бир нарсани англадим: «Умид — Яратганнинг исмидир. Кимки умид қилмаса, у худосиздир. Умидсизлик — худосизликдир. Кимки Яратганга ишонса, у умид билан яшаши шарт ва зарурдир. Умид ва меҳр ва шарт бизни, қалбимизни кутқариб қолади. Янги йилда ҳаммага **халоскор умид** ва **халоскор меҳр** ёр бўлсин!

Дилдора БЕКЧОНОВА — «Тошкент» телерадиоканали мусикий-кўнгилчор ва кинодастурлар бош муҳарририяти муҳаррири. Мучали — йўлбарс (1986), буржи — эгизаклар.

1. — 2009 йил нафақат мен, оиламиз учун ҳам жуда омадли йил бўлди, десам адашмайман. Онажоним Ўзбекистон халқ артисти деган юксак унвонга муносиб топилди. Ёш ижодкор сифатида ўзимни синаб кўришга кенг имконият туғилди. Бир қанча телесериал, бадий ва мультипликацион фильмларга овоз бердим.

2. — Келаётган йилдан умидларим қатта: ижодда ҳам, шахсий ҳаётимда ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлишини истаيمان. Янги-янги фильмларда ижод қилмоқчиман. Худо хоҳласа, ўқишимни магистратурада давом эттириш ниятим бор. Хусусий кинолар, мультфильмларга таклиф қилишган...

3. — Юртбошимиз келаётган янги йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилдилар. Бу йилда барча тенгдошларимга ижодий баркамоллик, бахт ва омад тилайман. Ота-оналаримиз, қариндош-уруғ, дўсту ёрларимиз ҳаммаша соғ-саломат бўлишини!



Ситора ХОТАМОВА — Тошкент шаҳридаги 188-мактабнинг 5-синф ўқувчиси, Мучали йўлбарс (1998), буржи — қисқичбақа.

1. — Бу йил менинг ҳаётимда қатта из қолдирган воқеа бу мен ўша синфдошларимнинг бошланғич синфдан қатта синфга ўтганимиз бўлди. Ойижоним «бу йил эҳди қатта синф бўлдинг, ҳар хил ўқитувчилар ўқитади, бу сен учун қатта масъулият юклайди, ҳатто

баҳоларинг пасайиб кетиши мумкин» деганда очиги, қўрққандим. Лекин биринчи устозимиз бизни яхши ўқитганлари учун ҳозир ҳам ҳамма фандан баҳоларим «беш». Яна бу йил мени кўпчилик синфдошларим бир овоздан синф сардори этиб сайлашди. Ота-она тили устозимиз эса ҳадеб доскага чиқиш учун кўл кўтарсам «Ситора, худди шердай ўрнингдан отилиб турасан, сендан бошқалар ҳам жавоб бериши керак-ку», деб танбех берадилар. Лекин мен бу оядан ҳеч ваз кечолмайман. Яна бу йил ҳар хил олимпиадаларга қатнашиб голиб ҳам бўлдим.

2. — Келгуси йилдаги режаларим, агар ойижоним мени кўллаб-қувватласалар, мусика мактабига дотор қилишга, спорт бўйича баскетболга қатнашмоқчиман. Инглиз тилини янада мукамал ўрганмоқчиман!

3. — Янги йилда мен юртимизга тинчлик, ота-онам, яқинларим ва синфдошларимга соғлиқ тилайман.



Воҳид ЛУҚМОН — шоир, журналист. Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлигининг «Маҳаллий ахборот» таҳририяти бош муҳаррири. Мучали йўлбарс (1974), буржи — қовға.

1. — Ҳар бир йил қувончу ташвишлари билан инсон ҳаётини ўчмас из қолдиради. Яхши-ёмони, ҳамма ҳам ўтаётган кундан рози бўлиб яшаш лозим. Ҳаётнинг моҳияти — шу. Узининг мазмуни — шу. Орта Назар соларканман, 2009 йилда кўнглимга таскин берадиган

қувончли воқеалар кўп бўлганини эътироф этишим керак. Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирландим. Бугун озми-кўпми томошабинлар эътиборига тушган «Очиқ дарс» телелойҳасини ҳам айнан 2009 йилда бошлаган эдик. Энг қувончли, бу йил онажоним муборак ҳаж сафарига бориб келди. Биринчи синфга чиққан ушқоқна қизимнинг кўзларидаги шодликдан дилим яйраган эди. Аммо онанинг қувончини кўриш бошқача бўлар экан. Дулоларда элу юртга осойишталик, Юртбошимизга омонлик, фарзандларига камолот тилаётган онажонларимиз доимо омон бўлишсин.

2. — Инсон умид билан тиррик. Аслида-ку янги йилдан эмас, Аллоҳнинг иноятдан умидворимиз. Аниқ режалар билан иш кўрмасам-да, орзуларга берилмасликка ҳаракат қиламан. Ҳаёт давом этяпти. Пешонада борини кўраверамиз. Ёшларни саксондан ошиб қолган икки бувижоним бор. Ҳар гал соғиниб борганимда уларни кўришни, бағриларига бошимни қўйиб, дуоларини олишни истаيمان.

Шаҳбоз ЭРКИНОВ — 1986 йилда туғилган.

Футболчи, «Пос» (Ҳамадон) ва Ўзбекистон миллий терма жамоаси уинчиси. Мучали йўлбарс.

1. — Ўтган 2009 йил, умуман олганда, мен учун ёмон кечмади. Ўзбекистон Миллий терма жамоаси сафида майдонга тушдим. Осиёнинг энг кучли лигаларидан бири — Эрон про-лигасида Ҳамадон шаҳрининг «Пос» клубида тажрибали мураббийлар кўл остида ўйнай бошладим... Афсуски, кутилмаганда жароҳат олиб, тўрт ойдан сал зиёд майдонга туша олмадим. Мана, тузалиб, янги йил арафасида майдонга қайтдим. Умид қиламанки, 2010 йилда жамоамиз билан бирга кўплаб ютуқларга эришамиз.

Азиз муштарий! Биз қаламга олган баъзи башоратлар мунажжамларнинг кўп йиллик кузатишларига асосланган. Аммо бу қатъий ҳақиқат дегани эмас. Негаки, тақдир — гайб фақат Яратувчининг ўзингизга аён. Аллоҳ таоло эса, саҳиҳ ҳадисга мувофиқ, гайратли бандларини севади ва омад бахш этади. Шундай экан, қайси мучал ва бурж соҳиб бўлманг, ўз танлаган йўлингиздан оғишмай интилсангиз, излансангиз, шубҳасиз, муваффақиятга эришасиз. Бу — исбот талаб этмайдиган ҳақиқат...

«Оила ва жамият» муҳбири Шаҳноза РОФИЕВА тайёрлади.



ҚОРБОБОДАН УЯЛГАН ОТА

Аскарнинг кўчага отланаётганини кўрган хотини ботинмайгина «яна ўртоқларингизнинг олдида кетаяпсизми, ҳеч бўлмаганда бу йил болаларнинг олдида ўтирсангиз бўлармиди?» — деди.

— Менинг қаерга боришим билан ишинг бўлмасин, ана уйда ҳамма нарса бор, мазза қилиб телевизор кўр-и-б, Янги йилни кутаверинглар!

— Дадаси, барибиб сизсиз болаларгаям байрам татимайди, ҳар йили шу аҳвол, — Сабоҳат кўзларини ерга тиканча дардини тўкиб солди.

— Э, кўп вайсайверма, бўпти, келаси йил бирга кутамиз, хотин ҳозир кеч қолаяпман, — деди-ю, эри шошилиб кетди...

Аскар кўчага чиқса, чиройли лайлак қор ёғаётган экан. Ногоҳ кўзи йўл четидан машина пойлаб турган Қорбобо — йўловчига тушди.

— Салом, яхшимисиз? — деди «Қорбобо» ҳам унга яқинлашиб ва кутилмаганда «Мана бу совғаларни болаларингизга берсангиз... Олинг, олаверинг», дея қўярдан қўймай бир неча халтачани кўлтирига қистирди.

Кутилмаган бу тақлифдан эсанкираб қолган Аскар унга қараб «Сиз...сиз, қаерга кетаяпсиз ўзи?» — дея олди холос.

— Э, чақирқулар кўп, ҳаммамизам шу болаларни деб юрибмиз-ку. Энг яқин оғайнилари бизниқигаям кириб ўтгин, деб илтимос қилишган, шунга шошилипман, ўзингиз-чи, йўл бўлсин? — деб сўраб қолди.

— Кўчага бирровга чикувдим. Шу болаларга... — дедию хотинига қилган қилиги эсига тушиб, қизариб кетди ва:

— Икки дақиқага вақтингиз борми? Юринг, ўтиниби сўрайман сиздан, бизниқигаям бир кириб чиқинг...

✓ БИЛСА ҲАЗИЛ, БИЛМАСА...



Аскар ҳам аввал Қорбобони эшик ёнига қўйиб, кўнгируки босиб, ўзи бекиниб турди. Эшик очилди. Аввал аёли

кўринди, ортидан эса болалар биринкетин чиқиб келишди ва Қорбобони кўриб, қийқариб чапак чалиб юборишди. Қарашса, дадалари кутилмаган меҳмоннинг панасида қулиб турарди...

АЙБИНИ ЮВДИ

Неча кунки, Мавлоннинг еган-ичгани ичига татимайди. Чунки мана бир неча кундирки, ёлғиз акаси ундан аразлаб қолган. Телефон қилсаям жавоб берма-япти. «Нега ўшанда акам қарз сўраб келганида бермадим-а? Хотиним «қайтариб ололмайсиз» деб айттиди». Акаси эса у яқинда ўғлини уйлантирганда қўли калталигига қарамай, роса югуриб-елди. Энди нима қилсин? Кечирим сўрасинми ё? Уйлаб-уйлаб, охири уйга кириб, Қорбобонинг кийимларини кийволиб, тўёнага тушган телевизорлардан биттасини кўтариб, хотинининг «нега, қаёққа?» деган сўроқларига ҳам лом-лим демай йўлга тушди.

Тўғри бориб, акасининг дарвозасини тақиллатди. Эшикни жиянлар очди. Хайриятки, ҳеч ким унинг Мавлонлигини билмади. Фақат... акаси таниб қолди. Хотини меҳмонга чой дамлаш учун ошхонага йўналди. Мавлон акасининг қўлини қаттиқ қисганча «янги йилингиз қутлуг бўлсин», деди-да, шошилиб, эшикни ёпиб чиқиб кетаётганида, келиноийсининг «укам телевизорга қарз бермади, бу йил ҳам янги йилни эски телевизор қаршисида кутиб оламиз, деб ёлғон гапирган экансиз-да», деган гапларини эшитиб хурсанд бўлди ва зиналардан юриб эмас, гўёки учиб тушиб кетди...

Барно СУЛТОНОВА

КЎЧМАС МУЛК БУРЧАГИ

ДИҚҚАТ, СОТИЛАДИ!

1 гектар ерда 54 сотих иссиқхона, атрофи ўралган, 2 хонали уй, сув, электр чиروهи, газ, бостирма бор.

Манзил: Тошкент вилояти
Зангиота тумани,
А. Икромов ж/х.
Рамадон маҳалласи.
Баҳоси келишилади.
Тел: 708-19-56
242-34-44

Бир хонали кв.
2-қават, 4-қаватли гиштли уйда.

Марказ-5 да.
Нархи - 40.000\$
тел: 723-00-60

Бир хонали кв.
1-қават, 4қ.гиштли уйда.
ТТЗ-1да.
Нархи - 13.000\$
Тел: 794-89-90

Ховли. 2 хона,
2,5 сотих, ошхона, ҳаммом.
«Миробод» деҳқон бозори ёнида.
Нархи - 32.000\$
Тел: 794-89-90

Ховли, 2 та хонаси бор,
2 сотих, Дархонда.
Квартирага алмаштириш ҳам мумкин.
Нархи - 75.000\$
Тел: 785-37-46

3 хонали квартира, 5-қават,
Лабзақда (таъмирланмаган)
Нархи - 40.000\$
Тел: 544-99-04

СОТИЛАДИ:

Шиша банка ёпадиган станок ва консерва, тушонка ишлаб чиқарадиган(Германия маҳсулоти)станоклар.

Нархлари келишилган ҳолда
Тел: 438-55-80,
484-50-35

«Кўчмас мулк бурчаги»га оид ўзингизни қизиқтирган саволлар юзасидан 794-89-90 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

ДИҚҚАТ!

Янги йилдан бошлаб ушбу рукнда хусусий эълонлар имтиёзли равишда чоп этилади.

Комалова Фароғат Икромовнага Тошкент Давлат университети томонидан 1982 йилда берилган № 833447 сонли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ОҚҚЎРҒОН ТУМАН БИРЛАШГАН ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

Барча юртовларимизни
2010 — «Баркамол авлод йили»
билан чин дилдан
табриклайди!

Ҳар бир оилага
тинчлик, тотув-
лик, сиҳат-сало-
матлик, файз-бара-
ка тилаймиз. Ҳами-
ша хайрли ишларин-
гиз роҳатини кўриб
юринг.

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУФ
БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

ЯНГИ ЙИЛ: ҚАЕРДА, ҚАЧОН, ҚАНДАЙ?

Инсоният ҳали-ҳануз вақтнинг олдига пешвоз чиқа олмайтир. Чунки вақт туганмас ва чексиз ҳазина, унинг борлиққа, инсониятга мутлақо бўйсунмаслиги, фақат олға силжиши барчага аён. Мана, бугун бутун инсоният вақтнинг яна бир катта берилиги — 2009 йилнинг ниҳоясида турибди. Эртага янги — 2010 йилга қадам қўямиз.

Хўш, ҳаёт тузилишини ташкил этувчи бу тарздаги ҳисоблаш — кун, ой, йил, мутаносиблигини акс эттирувчи тақвим қачон пайдо бўлган?

Тақвимга ойлarning тартиб билан жойлаштирилиши натижасида йилнинг боши ва охири деган тушунчалар пайдо бўлган. Йилнинг боши, яъни, янги йилнинг кириб келиши демакдир. Янги йилни халқлар турли тақвимлар бўйича нишонлайдилар.

→ Қачонлардир қадимги Римда март ойи йилнинг биринчи ойи ҳисобланган. Чунки бу вақтда дала ишлари бошланади. Бундан ташқари йил 10 ойдан иборат бўлган. Кейинчалик эса унинг сони 2 тага кўпайган. Милoddан аввалги 46 йилда Рим императори Юлий Цезар йилнинг бошланишини 1 январга кўчирган. Унинг номи билан аталган Юлий тақвими бутун Европга тарқалди.

→ Қадимги Русда X асрда христианлик қабул қилингандан сўнг XV асрнинг охирига қадар йилнинг бошланиши 1 мартга, сўнгра эса 1 сентябрга тўғри келган. Пётр I фармони билан 1700 йилдан сўнг янги йил 1 январдан бошланиши

белгиланган.

→ Бизнинг аждодларимиз эса йилдаги тенг кунлик 21 мартни Йил боши сифатида ҳисоблаб ва айнан шу кунни янги йилнинг кириб келиш санаси сифатида байрам қилишган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ер юзида 3000 га яқин миллат ва элатлар бор. Улар ўз навбатида 200 дан ортиқ давлатларни ташкил этадилар. Бу миллатларнинг ҳар бири ўзига хос маданият, урф-одат ва анъаналарга эга бўлиб, бир-бирларидан тубдан фарқ қилади. Бутун дунё миқёсида нишонланувчи Янги йил байрамини ҳам турли халқлар, миллат ва элатлар тақдорланмас анъана ва удумлар билан қарши оладилар.

→ Буни қарангки, Ҳиндистон шарқида Янги йил 1 январда нишонланса, жанубида март ойида, шимолида апрелда, ғарбида эса октябрь ойида байрам қилинади.

→ Бундан ташқари қадимий манба-

ларда кўрсатилишича, Грек-Бақтрия подшолиги даврида кўчманчи туркий чорвадор қабилалар 12 хил ҳайвон номи билан аталувчи мучал йилномасини ўйлаб

топишган. Кейинчалик ушбу йил ҳисоби Мўғулистон, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Миср, Ироқ, Эрон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда тарқалган.

→ Корея кишлоқларида Янги йил кирганидан сўнг кўчаларда о м м а в и й сайл бошланиб, қизлар ўртасида баландликка сакраш мусобақаси ўтказилади.

→ Африкаликлар бу байрам кириб келиши билан оғизларига туяқуш туҳумини солиб "ким ўзар" мусобақаси уюштирадиларига у бахт келтирармиш. Фолибларнинг мукофотлини одатга айланган.

→ Вьетнамликлар меҳмонга бормай, ўз уйларида тонггача бу тантанани ни-

шонлашади. Мабодо, ким чарчаб, ухлаб қолса, ундан кириб келаётган бахт юз ўтирармиш.

→ Камбоджа фуқаролари эса бу кунни ўзига хос тарзда кўтиб олишади. Улар байрам арафасида энг ширин, лаззатли 50 та туҳум, шакар, қаймоқ қўшилган улкан торт пишириб, бир-бирларини сийлашади ва қанчалик саховатли, очик кўнгил бўлиб, санъатларини намойиш қилишсагина, бу сана хонадон соҳибасига бахт келтиради, деб ўйлашади.

→ Японлар эса Янги йил кириб келаётганда идиш-товокларини тозалала ювишиб, уларни тоза бўёқ сувга тўлдиришади, барча хонадон эшикларига узок умр ва садоқат рамзи ҳисобланмиш бамбук ва қарағай новдалари осиб қўйилади.

→ Венгрияда шу кунни оила бошлиги уйга бир қучоқ похол олиб киради. "Нима олиб келдингиз", — деб сўрайди улардан турмуш ўртоқлари анъана бўйича. "Тинчлик, бахт, саодатлик", — дея жавоб беради хонадон соҳиб. Шундан сўнг бутун уй ичига похол сочиб ташланади.

→ Ирландияликлар Янги йилни хонадоннинг эшикларини ланг очиб нишонлашади. Етти ёт бегона киши ҳам бемалол эски қадрдонлардай кириб келиб, энг азиз меҳмон бўлаверади. Шундай қилинса, эшикдан бахт кириб келармиш.

Янги йил қаерда, қай тарзда нишонланмасин, у барибир инсонлар қалбига эзгулик, тотувлик бахш этувчи айём бўлиб қолаверади.

Лутфия СУЯРОВА тайёрлади.



✓ БИЛАСИЗМИ?

ҲАДЯГА ҲАМ ШАРТНОМА ШАРТМИ? ✓ ҲУҚУҚ ВА БУРЧ



Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 182-мактабда айни кунларда «Бошланғич синф» фан ойлиги ўтказилмоқда. Айниқса, 3-синф ўқитувчиси Нилуфар Кўчарованинг Янги йил байрамига бағишлаб ўтказган тадбирида нафақат ўқувчилар, балки ота-оналар ҳам фаол иштирок этишди. Ўқувчилар томонидан намойиш этилган турли сахна кўринишлари, рақслар, қизиқарли ўйинлар танлови барчада яхши таассурот қолдирди.

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат

Ҳада шартномаси ўзаро келишувга асосланган икки ёқлама битим ҳисобланади. Бундай келишув ҳада олувчининг унга тақлиф этилаётган мулкий ҳуқуқни қабул қилишини назарда тутаети. Бу шартномага кўра, бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчи)га ашёни текинга, мулк сифатида беради ёки бериш мажбуриятини олади. Ёки унинг ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи талабини беради. Шартномада ҳада қилинаётган мулк ёки буюм, нарсалар аниқ кўрсатилиши лозим. Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулк мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳада этилаётган нарсани аниқ кўрсатмасдан ўзига тегишли мол-мулкнинг бир қисмини ҳада сифатида тақдим этишни зиммасига олиш ҳуқуқий аҳамиятга эга мажбуриятдан озод қилиш ва ҳада эгасининг нияти аниқ белгиланган бўлиши керак. Унинг текинга берилиши ҳада шартномасига хос хусусиятлардир.

Аслида ҳадянинг сабаблари унчалик аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун улар шартномада кўрсатилмаслиги ҳам мумкин. Агар ҳада қилувчи ашёдан фойдаланиш билан боғлиқ муайян мажбуриятларни ёки бошқа шартларни ҳада олувчи зиммасига

юклайдиган бўлса, бу шартнома текин деб ҳисобланмайди. Кўчмас мулкни ҳада этиш эса махсус ҳужжатлаштирилиши мумкин. Шартномани бирон-бир шарт асосида тузиш ёки тасдиқлаш талаб этилади. Бу шарт рағбатлантирувчи чора сифатида ҳада олувчининг муайян хатти-ҳаракатни содир этишга ёки турли шароитларга боғлиқ бўлади. Шунингдек, бу шартномада олувчи, ҳада қилувчидан олдин вафот этган тақдирда ҳада эгасининг ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қўйилиши мумкин. Агар ҳада шартлари ноқонуний бўлса, бу ҳақиқий ҳисобланмайди. Ҳада олувчи ўзига ҳада топширилгунга қадар истаган пайтда уни рад этишга ҳақлидир. Бундай ҳолатда ҳада шартномаси бекор қилинган ҳисобланади. Шартномани бекор қилиш келишуви тегишли идоралардан ўтказилгандан кейин нотариал тартибда тасдиқланади ва ўша идорада давлат рўйхатидан ўтказилади.

Муяссар ЎСАРОВА,
Самарқанд вилояти, Иштихон тумани
2-сон давлат нотариал идорасининг
давлат нотариуси.

ТИЛАК

Бир ёшга улгайди кексалик томон,
Дўстларим, янги йил қирмоқда яна.
Энг ёруғ тилаклар янграсин ҳар ён,
Янги йил, янги бахт, янги таптана.

Янги йил, нималар қиласан тортиқ,
Ишқилиб бўласин-да, қадиминг қутлуғ.
Фақат яхшиликка кўнгулар нишиқ,
Илоё, бўласин-да ҳар дамнинг улуг.

Тўқин бўлаверсин дастурхонимиз,
Файзга тўлаверсин хонадонимиз.
Янги ютуқ, янги зафарлар кўчиб,
Яшнаб бораверсин хур замонимиз.

Янги йилда ўзинг қўлла, Оллоҳим,
Пешвоз бўласин бизга, бахт деган доvon.
Йўлларинг беҳатар бўласин илоҳим,
Катта йўлга чиққан эй, улуг қарвон!

Дўстларим, янги йил қирмоқда яна,
Янги йил, янги бахт, янги таптана!
Ҳимоят НАЗАРОВА,
Сирдарё вилояти, Гулистон тумани.

ДЎСТЛАРИМ

Эгилмаган бошимни эгсам сизга эгман,
Омонат дунёда пок дилга дили қўшман.
Мен ким ўша тилаги шўх дарёман, ўшаман,
Сизсиз дунё кўзимга тор кўрингай, дўстларим.

Ташрифингизга ташна, соғинчларга бой юрак,
Кўзларим йўлингизда зор-иттизор жонсарак.
Дийдорингизга етмоқ ниятим айланг дарак,
Сизсиз дунё кўзимга тор кўрингай, дўстларим.

Сиз билан завқли ўтган ёшларимни соғиндим,
Ёрға-чи бир оз бағри тошларимни соғиндим.
Очиғи, сизларга сирдошларимни соғиндим,
Сизсиз дунё кўзимга тор кўрингай, дўстларим.

Асли сиз мендан йироқ кетмадингиз, мен кетдим,
Орзуларим сари хўп изланиб, дарога етдим.
Олислардан эптикиб дили минг пора етдим,
Сизсиз дунё кўзимга тор кўрингай, дўстларим...

Низомиддин ДЕҲҚОН,
Фарғона вилояти Кува тумани
газ таъминоти идораси ишчиси.

МУҲОФАЗА ✓ ҚАТРАЛАР

У жуда яхши билади: ўтирган курсиси
ўзидан баландлигини. У шунинг учун ҳам кўрқади. Шунинг учун ҳам ҳадиксирайди. Зўр бериб ўзига муҳофаза ҳозирлайди. Қани муҳофазадан хатлаб унга яқинлашиб кўр-чи, ўзингни муттаҳамга чиқариб қўяди.

Бироқ... У жуда яхши билади: мансабнинг омонатлигини, ўтирган курсисидан барибир итқитиб ташлашларини. Келмаган кунларнинг келишини ўйлаб, юраккинаси зирқирайди.

...Тушларида курсини маҳкам қучоқлаб ётади.

ТАСАВВУР

Яшайвериб бир нарсага амин бўлдим: инсоннинг ўзи қанақа бўлса, бошқаларни ҳам шундай деб ўйлайди. Ўғри учун ҳамма ўғри, муттаҳам учун барча муттаҳам. Ахлоқсиз эса ҳар қандай тўғри одамдан ҳам нуқсон излайди. Эҳтимол, шу сабабдир, қилаётган ишлари ўзларига малол келмайди.

Ҳаёт ҳақидаги тасаввурларим жуда юзаки эканлигидан уялаб кетдим ўзим...

Лола ЎРОҚОВА

Минг шукрки, юртимизда кутлуғ байрамлар, муборак айёмлар кўн. Минглик ва осойишталик барқарор бўлган мамлакат халқи эса ўз шодумон кунларини ҳар қанга нишонласа арзийди. Эртага янги — 2010 йилга бир дунё ёруғ ниётлар билан қадам кўямиз.

Юртбошимиз ташаббуси билан “Баркамол авлод йили” деб ном олган Янги йил байрами билан сизларни Хоразм вилояти

“ГУРДАН САВДО” ШУЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

самимий муборакбод этади!

Йил бошида айтилган барча ёруғ тилаклару кутлуғ ниётлар ҳеч биримизни сира тарк этмаслигини тилаймиз.


**Хонадонингизга тинчлик,
дастурхонингизга гаровонлик,
ўзингизга эса ҳақиниша омонлик
ҳамироҳ бўлсин,
муҳтарам
юртдошлар!**





СОЧ ЭМАС БУ...

Хитойлик соддагина қизнинг исми-шарифи Кси Квипинг бўлиб, у ҳозир дунёдаги энг узун сочлар сохибаси ҳисобланади. Унинг сочларининг узунлиги 5



метрни ташкил қилади. Яна шуниси, қизиқки, бу сочлар ўсиб боргани сайин чидамлилик хусусияти ҳам ортиб бораркан. Фақат бир ноқулайлик бор. Яъни шунча сочни турмаклар кўтариб юриш муаммоси.

Кси ўз кокиллари болалигиданоқ ўстира бошлаган эди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, 1973 йилдан бери унинг сочларига қайчи кўрмаган. Ксининг айтишича, бундай узун сочлар инсонни мунтазам жисмоний машқлар бажаришга рағбатлантириб кўяр экан. Негаки, беш метрлик сочни ювиб, тарашнинг ўзи бўладими?!

Ҳар соҳада издошлар бўлгани каби, ҳозир яна бир ёш қизиқувчан қизалоқ соч ўстириш "мусобақа"сида Кси хонимга эргаша бошлади. Бу қизнинг исми-шарифи Ченг Шиквонг бўлиб, унинг сочлари узлуксиз ўсиш учун 1996 йилда старт олган эди. Айни дамда бу сочларининг узунлиги уч метрга тенг.

ГАРОЙИБ ШАРШАРА

Ер юзиде кўплаб катта ва кичик шаршаралар мавжуд. Уларнинг ичида энг машҳурлари Африкада Викториа, АҚШда Ниагара, минг метр балангликдан тўшадиган Венесуэладаги Энжел ҳамда



Бразилия ва Парагвай оралигида жойлашган секундига 10 кубометр сув отадиган Гуаир шалоласидир. Аммо Исландия ва Гренландия ўртасида жойлашган Дания бўғозидаги шаршарага ётадигани йўқ. У одам кўзидан панада жойлашган бўлиб, сув ости гиганти ўзининг кучкуватини билан бир неча километр балангликдан ҳар лаҳзада беш миллион кубометр сувни Атлантика океанига отиб туради. Ҳозирда бу шаршара барча саёҳатчиларни хайратга солмоқда.

Наргиза САРИМОВА тайёрлади.

2009 ЙИЛ ЯКУНИ:

«ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИ» — ОДИЛ АҲМЕДОВ,
«ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙ» — ИГОРЬ ШКВИРИН



Ўзбекистон Футбол Федерациясида йил якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда 2009 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши футболчиси ва мураббийи номлари эълон қилинди. Спорт журналистлари ўртасида ўтказилган сўровномада «Пахтакор» клуби сардо-

ри, Ўзбекистон терма жамоаси ярим ҳимоячиси Одил Аҳмедов мамлакатимизнинг энг яхши футболчиси деб эътироф этилган бўлса, мураббийлар ўртасидаги баҳсда «Олмалиқ» клуби бош мураббийи Игорь Анатольевич Шквирин энг яхши, деб топилди.

Сўровда 90 нафар журналист Аҳмедовни биринчи ўринда зикр этган. Умумий ҳисобда 329 очко тўплаган Одил «Бунёдкор»нинг бразилиялик легионери Ривалдодан 136 очкога ўзиб кетди. 2008 йилда у Сервер Жепаровдан кичик фарқ билан ортда қолганди. Ўтган мавсумда «Пахтакор» сардори футболчи сифатида анча ўсганини кўпчилик мутахассислар таъкидлаб ўтишяпти. Авваллари фақат рақиб ҳужумларини бартараф этиш билан шуғулланган Одил эндиликда жамоа ҳужумларини бошлаб бериш ва уларни


СПОРТ ДУНЁСИ



яқунлашда ҳам ажойиб кўрсаткичларни қайд этди.

Мураббийлар баҳсида Игорь Анатольевич энг яқин таъкибчиси Виктор Кумиковни 227 очкога ортда қолдирди. Бу Шквириннинг мутлақо рақобатдан холи бўлган ҳолда галаба қозонганини англатиб турибди. Шу тариқа, яқин ўтмишнинг машҳур ҳужумчиси Ўзбекистонда энг яхши мураббий, деб тан олинди.

БОКС



2010 йилнинг баҳориде рингга тушмоқчи эканлигини яқинда расман эълон қилди.

WBA йўналишининг ўта оғир вазн бўйича собиқ чемпиони **Николай Валуев** WBC йўналишининг

ВАЛУЕВ КЛИЧКОГА ҚАРШИ

амалдаги чемпиони Кличколарнинг каттаси **Виталий** билан бўлиб ўтадиган жангга жаҳондаги қатор телекомпаниялар жиддий қизиқиш билдиришяпти. «Биламан, бу беллашувга катта эътибор қаратилиши табиий» — дейди Валуев «Спорт» ТВга берган интервьюсида. — Турли телекомпаниялар ушбу жанг трансляциясини намойиш этиш ҳуқуқини берувчи рухсатни кўлга киритишга интилишяпти. Трансляция харажатлари даҳшатли рақамларни ташкил этади».

«Россия айиги»нинг менеджери



Борис Димитровнинг айтишича, учрашув апрель, май ойларида бўлиб ўтиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида **Илҳом ЖУМАНОВ** тайёрлади

НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ КўП ТАРМОҚЛИ «МАҲЛИЁ» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ ЖАМОАСИ

*Ватандошларимизни
Янги йил байрами муносабати билан самимий табриклайди!
Сизларга соғлиқ-омонлик,
бахт-саодат ҳамиша йўлдош бўлсин!*





ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

*Барча юртдошларни, эл саломатлиги йўлида
хизмат қилаётган ҳамкасбларни янги йил байрами
билан қутлайди!*

*Халқимизнинг ажойиб анъанаси бор: у ҳам бўлса
ҳар қандай қувончли байрам-тантаналарда энг
аввало бир-биримизга сўхат-саломатлик тилаймиз.
Бу ҳам бежиз эмас. Чунки бу дунёда соғликдан
ортиқ бойлик йўқ. Демакки, бизнинг ҳам ниятимиз
ҳам шундай: ҳар доим соғу саломат, бардам,
бақувват бўлинг, муҳтарам юртдошлар!*

Янги йилингиз муборак бўлсин!



РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШГАН КАРДИОЛОГИЯ МАРКАЗИ

*Мамлакатимиз аҳлини 2010 — “Баркамол
авлод йили” муносабати билан табриклайди!*

*Ҳар бир оилага мустақам соғлик-
саломатлик, тўқинлик ва гаровонлик йил
бўйи йўлдош бўлсин!*

ҚАЕРДА ХАТО ҚИЛДИК?


Хатингизда бир марта бўлса-ям хат ёзганмисиз? Йўқ, ҳақиқий мактуб! Телефон ёки интернет орқали эмас, кечинмаларингизни қоғозга тушириб, бирор яқинингизга юборганмисиз? Мен жуда кўп дугоналаримга мактуб битганман.

Хат — бадий-публицистик жанр. Бошқа жанрлардан фаркли ўларок, у мўйсафид сифатига эга ҳисобланади. Ёзув пайдо бўлган, одам ўз ҳис-туйғуларини ифодалаш учун мактуб ёзишга эҳтиёж сезган: кўнглида кечаётган жараённи — ҳуш онлару қай-гуларни, орзу-армонларини мактуб орқали битишга ҳаракат қилган. Чиндан ҳам кимгадир дардингизни тўқмоқчи бўлсангиз оғзаки айтилганда бу унчалик таъсир этмаслиги мумкин, лекин бу фикрларни қоғозга тушириб кўринг-а. Унинг тафтини ҳатто ўзингиз ҳам ҳис қиласиз. Жаҳон ва ўзбек адабиётида ҳам мактуб шаклида битилган бир қатор шеърлар, ҳикоя, қисса, романлар, ҳатто драматик асарлар битилгани бежизга эмас.

Кайковус «Қобуснома»нинг ҳар бир бобини «Эй, фарзанд!» мурожаати билан бошлаб, ўгли орқали бугунги кун ёшларига ҳам мактуб битган. Буюк бобомиз Алишер Навоий хатни ҳижрондаги шуълага, тириклик белгисига ўхшатганлар.

Университетда бизга «Бадий публицистик маҳорат» фани ўтилади. Жудаям қизиқ сабоқлар. Маърузаларда жанрларни назарий жиҳатдан мукамал ўргатишда, амалиёт машғулотларида аса ўрганганларимизни ёзиш билан исботлаймиз. «Хат» жанри мавзусини тушунтираётиб, ўқитувчи бизга бир мисол келтиргани эсимда: «Хатнинг жозибдор хусусияти, оҳанрабоисини номдор рус адаби Герцен, жуда, яхши ифодалаган: «Мен хатни ҳаммиша аллақандай титроқ, гамнок, ҳатто, кўркувга ўхшаш

ҳадиксираш, асабий бир ҳаяжон билан кўлга оламан. Хат қиш бўйи қор тагида қолиб кетган, сўлиган япроқлар сингари ўтган ёз кунининг жазирама иссиғини, салқин кечаларини, эндиликда у мавсум узок ўтмиш бўлиб қолганини эслатади. Бу япроқлар қайин дарахтидан шамолда синиб тушган шохча эканини англайсан, аммо энди бу япроқлар бошинг узра шовул-



ламайди ва китобларда ёзилгандай вазмин, салобат билан устиндан босиб турмайди».

Хат ёзиш мобайнида инсон ҳис қилаётган туйғулар сўзлар билан қоғозга сингар экан. Мактубни ўқиётган одамга ҳам ёзувчининг кайфияти ўтиб, таъсир кучи сезилади. Бирор бадий асарни мутолаа қилмоқчисиз. Уни интернетдан топиб ўқисангиз маъносини тушунасизу... Соғлигингизга зарар: кўзингиз, асаб толаларингиз... Боз устига чарчайсиз. Сиздан чиқаётган қувватни компьютер тортиб олади, ҳеч нимани ҳис қилмайсиз. «Электрон мактублар» ҳам шунга ўхшайди.

Хат ёзишнинг ўз қонуниятлари бор. Биринчи навбатда хусниҳат ва имло қоидаларига эътибор бериш талаб этилади. Бу аса бугунги техника тараққиёти даврида муҳим аҳамият касб этади. Телефон ёки интернет орқали хат йўлланганда

✓ SMS ВА МАКТУБ!

Бундай қонуниятларга эътибор берилмайди. Мана бир «мактуб» (sms): «Салом. Қалесан. Ишла яхшими. Анув мўвзун Заридан сўрасам вохти йў шекилли ёзмияпти. Мани телимда пул йў. Ўзин ёзвор. тел. қиворисан гаглашиб ўтирарду». Ёки почтамга келган «хат»: «Ўрто қалисан. Ман ок. Анчадан бери кўришмаду. Сани соғиндим санчи хоҳласен бугун кинога тушамиза. Анув туршейни кўрдим ҳалигинда. Салом бермий ёнидан ўтиб кеттим. Богламманми. Кинода ҳаммасини эйтибераман. Айтгандей яхши бўп қолдинми. бўпти жўвоб ёз...» Имзо йўқ. Мана, сизга бугуннинг мактуби. Фиж-ғиж хатога тўла жонсиз фикрлар. Мен уларни «аллақандай титроқ, гамнок, ҳатто, кўркувга ўхшаш ҳадиксираш, асабий бир ҳаяжон билан кўлга ол»мадим. Бу мактублар «қиш бўйи қор тагида қолиб кетган, сўлиган япроқлар сингари ўтган ёз кунининг жазирама иссиғини, салқин кечаларини, эндиликда у мавсум узок ўтмиш бўлиб қолганини эслат»мади. Бир тумандан бўлган дугонамининг шевасидаги «мен» сўзи қачондан бери «ман»га айланиб қолгани ўйлантирди, холос. Тиниш белгиларига раҳмим келди. Улар осонлик билан ўтмишга айланиб кетмаса, деб кўрқаман. Бир инсонга нисбатан «туршак» атамаси ишлатилгани кўнглимга хунук гашилик солди. Аллоҳ Таоло инсонни МУКАРРАМ қилиб яратди. Тафаккур қила олиши учун унга АҚЛ берди. Шундай экан, нега биз ақлимизни ишлатмаймиз? Бир-биримизни ҳақорат қилишга ким ижозат бери-ди? «Кўча маданияти» бизнинг қонимизга қачон сингиб улгурди? Мен техникадан нолимоқчи эмасман. Ахир қулайлик, имкониятлар кимга ҳам ёқмайди дейсиз?! Мен шунчаки ота-боболаримиз савияси билан ўзимизнинг қараш, дидимизни солиштирялман, холос.

Биз боболар меросини авлодларга етказиш учун мустаҳкам кўприк вазифасини ўташимиз керак. Бу кўприкни ўзимиз кўпора бошласак, эртага келажак авлоднинг кўзига қандай қараймиз?

Баҳорат ОТАЖОНОВА

ЕР БИЛАН ТИЛЛАШГАН АЁЛ

✓ ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Урганч Аёллар кенгашининг фаол аъзоси, кўп йиллардан бери қишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат қилиб келаётган Ёқут Курбонова 2002 йилда Хива туман «Гирён» жамоа хўжалигидан 8 гектар сувли ер олиб, тадбиркорликни бошлаб юборганди. Шу билан бирга, «Мадрид ўгли Парижон» фермер хўжалигини ҳам ташкил этиб, 25 та ишчи ўрни яратиб, эл ободончилиги йўлида самарали меҳнат қилди. Хўжалик Ёқутхон опанинг кўп йиллик тажрибалари асосида ўша йили қишлоқ хўжалиги махсулотларидан юқори ҳосил олишга эришиб, юзлари ёруғ бўлди.



Ёшлигидан ерга меҳр қўйиб, деҳқончилик орқасидан ҳалол ризқ-насиба топишни ўзининг муқаддас бурчи деб билган Ёқут опа Тошкент Давлат қишлоқ хўжалиги институтини битириб келгач, илк иш фаолиятини Хоразм вилояти техника таъминоти бирлашмасида ҳисобчи вазифасидан бошлаган эди. Ҳам ихтисослиги, ҳам тақдирининг бевоқифа заманига боғлангани боис неча ўн йилларки, эл-улус орасида ўз меҳнати ортидан обрў топди, элдошларининг қорига яраб келяпти.

Бир неча йилки, юз гектардан зиёд ерга пахта, галла ва полиз-сабзавот экинлари етиштириб, мўл ҳосил олиб келаётган бу фидойи фермер аёлнинг номи бугунги кунда нафақат хиваликлар, балки, Хоразм воҳасининг ҳам аксарият деҳқонлари ўз гап-сўзларида самимий ҳурмат билан тилга олишади. Ўз соҳасини яхши билган, бир сўз билан айтганда, чин маънода ер билан тиллаша оладиган Ёқутхон опа камтаринлик билан «меннинг бир ўзим оиламиз, ёнимизга меҳнаткаш инсонларсиз қаноти йўқ қушга ўхшайман, улар менга куч-қудрат, руҳ-кайфият бағишлайди. Айниқса, доимо сирдош ва ҳаммаслак турмуш ўртоғим Мадрасул Мадримов, тўнғич фарзандим Сардорбек, оғаларим Исмоил ва Иброҳимжонлар ҳаммиша менга суянчиқ ва камарбаста» дея уларнинг ҳам номларини алоҳида қайд этишимизни сўрайди. Ёқутхон опа биз билан хайрлашаркан, қишлоқ ҳаётига дахлдор бўлган ҳамда тақдир-қисмати ерга, тупроққа боғланган барча деҳқон фермерларни, шу жумладан, захматкаш ва бағри кенг аёлларимизни ҳам «Оила ва жамият» газетаси саҳифалари орқали янги йил байрами билан чин юракдан қутлаб қолди.

Дилором ФАЙБУЛЛАЕВА

Халқимизни янги йил байрами муносабати билан Тошкент шаҳридаги

“АВИАСОЗЛАР ДЕҲҚОН БОЗОРИ”

Очиқ Акциядорлик Жамияти жамоаси чин қалбдан қутлайди.
Юртимиз тинч,
осмонимиз мусаффо бўлсин!



ЁНИМИЗДАГИ ОДАМ

сизу бизга сабру қаноат бобида ўрناق бўлаётир

МАТОНАТ

Эндигина 10 ёшга кирган қизалоқнинг соғлиги ҳақида шифокорлар умидсиз ҳукм чиқаришди: у бир ярим йилдан ортик яшай олмайди, яна бунинг устига кўзлари кўрмай қолиш эҳтимоли бор. Ростдан ҳам кўп ўтмай қизалоқнинг кўзлари атрофни илғамай қолди. Бу унинг учун биринчи зарба эди. Аммо ота-она кейинги кўргуликни кутиб ўтиришни ҳаёлига ҳам келтиришмади, аксинча, қизалоқни тушкун кайфиятдан чиқариш учун уни ўзи каби тенгдошлари таҳсил оладиган мактаб-интернатга олиб боришга қарор қилишди.

Қизалоқ ростдан ҳам бу ерда ўзи учун яна бир имкон борлигини англади, устозларидан бошқалар каби ўқиш-ёзиш ва ниҳоят ҳаётга ишончни ўрганди. Тенгдошларидан кўра интилувчанлиги, тиришқоқлиги билан ажралиб турди. Адабиётга, шеърятга меҳр кўйди.

— Ана шу меҳр менга куч берди, ўзимга нисбатан ишончни орттирди, — ҳаяжонини яширолмай дейди Дилшода Сайфуллаева. — Гарчи аввалига

онам менинг бу аҳволимга сира ҳам кўника олмаган бўлсалар-да, мен учун тириклигимнинг ўзи мўъжиза эди.

Дилшоданинг ўзи, қолаверса, ота-онаси, уни бу азоблардан олиб чиқиш учун бор имкониятни ишга солишди. Яхши ниятлар ила интилган қиз кўп ўтмай ростдан ҳам устозларининг олқишларига сазовор бўлди. Яхшигина шеърлар машқ қила бошлади. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди. 2003 йилда эса худди шу даргоҳда ўқийдиган Зокир Муҳаммадов билан турмуш курди. Орадан уч йил ўтгач, ширингина ўғилчали бўлди. Айни пайтда улар атрофдагилар, яқинлари учун ҳавас қилгулик оиладир...

Дарвоқе, яқиндагина «Қамолот» ЁИХ, Кўзи оғизлар жамияти, Республика хотин-қизлар

қўмитаси ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган «Энг намунали оила» кўрик-танловининг ғолиблигига ҳам айнан шу оила лойиқ қўрилди.

— Одатда имконияти чекланган оилаларнинг соғлом фарзандларида «нега менинг ота-онам бошқа тенгдошларимники сингари эмас?» деган савол пайдо бўлиши мумкин. Бу саволга вақтида маънавий жиҳатдан жавоб қайтарилмаса, бундай болалар тарбиясида муаммоларга дуч келиш мумкин, — дейди Дилшоданинг турмуш ўртоғи Зокир. — Бу каби болаларда атрофга нисбатан нафрат, ўзига нисбатан ишончсизлик туйғулари пайдо бўлиши аниқ. Бунинг олдини олишда эса ота-онанинг роли, тарбияси жуда муҳим.

— Худди шунинг учун иккаламиз ҳам кўпроқ ўқиб-излашга, бор имкониятлардан

фойдаланишга интиляпмиз, — суҳбатни давом эттиради Дилшода. — Яъни бола ўзини оилада иложи борица тўлақонли ҳис қилсин, ота-онасининг ҳам жамиятдан узилиб қолмаганлигидан, аксинча, унинг фаол аъзоси эканлигидан фахрлансин. Умуман, ҳукуратимизнинг бизларга қаратаётган эътибордан миннатдормиз. Масалан, ўтган йили имтиёзли кредит асосида уй-жойга эга бўлдик. Турмуш ўртоғим икковимиз Самарқанд давлат университетининг филология факультети магистратурасида таҳсил оляпмиз. Келажакда илмий ишимизни давом эттириш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Ҳозир ўйлаб қоламан: инсон қандай ҳолатда бўлмасин, агар сабру қаноат қилиб, яхши ниятлар ила иш бошласа, Аллоҳнинг ўзи унга мададкор бўлар экан. — Бу хонадонга қачон кир-

сам, доим тоза-озода, — дейди Дилшоданинг ҳамкасби, устози Хуршида Ҳамдамова. — Дилшоданинг турли-туман таомларни меҳр билан тайёрлашини айтмайсизми? Тўғриси, баъзан сопа-соғлом келинларнинг эътиборсизлиги ва шу туйғайли уйларида жанжал аримаслиги каби ҳолатларга дуч келсам, Дилшода ҳақида ўйлаб қоламан. Унинг матонатидан ўрناق олса арзийди.

Дарвоқе, Зокир ҳам, Дилшода ҳам ўқиш билан бир қаторда ўзлари таҳсил олган, Самарқанд шаҳридаги 59-сонли кўзи оғиз болалар махсус мактаб-интернатидан бошланғич синфларга дарс беришади. Қанчадан-қанча болаларга ўзлари мисолида ҳаётда кучли бўлиб яшаш — омаднинг калити эканлигини кўрсатиб, ўргатиб, тарбиялаб бориш бу жуфтлик учун ҳаётининг асосий мақсадига айланиб улгурган.

Гулрух МЎМИНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.



лойиқдир. Энг аввало, улар ўз маҳалла-кўйларида оилалар тотувлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, касаначилик, тадбиркорлик, хуллас, барча соҳаларда намуна бўлаётганликларини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Айниқса, тарих саҳифасига битилаётган 2009 — «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йилида бўқалик хотин-қизлар эришган муваффақиятлар алоҳида таҳсинга сазовор.




Аёлнинг ўрни жамиятда ҳам, оилада ҳам беқисс эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Юртбошимиз таъбири билан айтганда эса «инсон, оила, аёл тушунчаларини бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди». Шу ўринда бизнинг Бўқа тумани миқёсида оладиган бўлсак, барча тармоқларда хотин-қизларнинг фаоллиги ҳамда иштироки ибратга

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎҚА ТУМАНИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз халқини, шу жумладан, муқаддас дея эътироф этилувчи оқила, дилбар ва гўзал аёлларимизни, мунис онахонларимизни Янги йил байрами билан чин юракдан муборакбод этамиз.

Баркамол авлод йили муборак бўлсин, азизлар!






**ҚЎҚОН ШАҲРИДАГИ РЕСПУБЛИКА
СТОМАТОЛОГИК ИМПЛАНТАЛОГИЯ МАРКАЗИ,
ШАҲАР СТОМАТОЛОГИЯ ПОЛИКЛИНИКАСИ,
“МАНСУРОВ КЛИНИКАСИ”
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
ЖАМОАЛАРИ**

2010

*Ҳамюртларимизни қутлуғ
айём — Янги йил
билан самимий муборакбод
этади!*

*“Баркамол авлод йили”
шиндлик-осойишталик,
шўкинлик ва хайр-бароқа
Йили бўлишини тилаймиз.*



**ХОНАДОНИНГИЗГА ТОТУВЛИК, МУСТАҲКАМ
СОҒЛИК, БАХТ-ИҚБОЛ ҚАМРОҒ БЎЛСИН!**

«Тизим — бу восита, бироқ мақсад эмас»

XIX асринг улуғ табиатшунос олими Жорж Кювнинг номини бутун дунёда, қанчалик галати туюлмасин, фақатгина хатолари туфайли эслаб қолишган. У «Ер юзигади улкан ўзгаришлар тўғрисида мулоҳазалар» номи асарига ўзининг табиатдаги йирик ҳалокатлар ҳақидаги машҳур назариясини олға суради.

«Бошдан-оёқ мутлақо нотўғри» деган баҳо олган бу китобнинг 1937 йили чоп этилган русча нашрига сўзбошида таниқли геолог ва палеонтолог олим, академик А.А.Борисяк шундай деб ёзади:

«Кюве ҳайвонот турлари ўзгармай, доимо бир ҳолда туришини, ер юзига ҳалокатлар туфайлигина унинг янги турлари пайдо бўлишини ёқлаган. Унинг рақиблари эса ер юзи мудом ўзгариб туриши ва ҳайвонот олами муттасил ривожланиб боришини таъкидлаган эди. Кювнинг изланишлари қутилмаган натижаларга олиб келди — у ҳаммага тўғри йўлни кўрсатган ҳолда ўша ёққа ўзи боришни хоҳламади...»

Пашшанинг оёғи нечта?

Ҳа, «Буюк кишиларнинг хатоси ҳам буюк бўлади», деган беҳуда айган. Ай-олимлиши-аянчор-га п тилманикса, нинг янги бағоят ли, чунки у ўз тидан жуда кўпчиликни нотўғри йўлга бошлаб кетади-да! Масалан, қадимги дунёнинг буюк мутафаккири, кимсан Искандар Зулқарнайнинг устози Аристотел ниҳоятда улуғ обрў-эйтибор қозонган. Унинг ҳар бир сўзига

бутун дунё ишонган ва заррача шакшубҳа қилмаган ҳеч қачон! Лекин у ҳам тирик жон, бандан ожиз эканлигини ҳеч ким ўйлаб кўрмаган.

Бир куни қайсидир шогирди «Устоз, пашшанинг оёқлари нечта?» деб сўраганида қандайдир муҳим муаммо устида қаттиқ бош қотириб ўтирган Аристотел хаёларалаш «тўққизта» деб юборибди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, 2000 йилдан зиёд вақт мобайнида бутун дунё шу гапга ишониб келган, ҳатто текшириб кўришни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган, чунки кимсан Аристотел айтган-да бун! Бироқ кейинчалик, устозларни ҳурмат қилмайдиган бир нодон ва ёр йигитча пашшани тутиб, текшириб кўрди. «Унинг оёқлари олти-та!» деб эълон қилди. Ана шундан бутун дунё илм-фан «Оҳ!» деб юборди, чунки бу «дахриёна кашфиёт»ни истаган одам текшириб кўриши жуда осон эди...

Наполеонча феъл-атвор

Буюк кишилар серқирралиги билан ажралиб туради, дедик. Масалан, Наполеон Бонапарт ҳар қандай ишга бутун диққат-эйтиборини жамлаш ва бир лаҳзадаёқ мутлақо бошқа нарсага борлиги билан берилиб кета олишдек ноёб қобилиятга эга эди.

— Хотирам кўп тортмали жавонга ўхшайди, — дерди у. — Қайси тортмага боғлиқ ишим тугаса ўшани ёпиб, шу захотиёқ бошқасини очиб, ишлаб кетавераман. Чарчаганимда эса жавоннинг барча тортмаларини шартта ёпаман-да, ухлайман қоламан.

Улуғ император Ватерлоо жангидек муҳим муҳораба бошланай-бошланай деб турган нозик бир вазиятда атрофдагиларнинг барини ҳайратга солиб, хотиржам қиёфада чуқур уйқура кетган

ни ҳам маълум. Уддабурон д'Артаняя ва уч мушкетёр ҳақидаги ажойиб китоблари билан бутун дунё ёшларининг меҳрини қозонган машҳур француз адиби Александр Дюма ҳам галати феълли одам эди. Айтишларича, унинг ижодхонасида бир эмас, нақ бешта стол бўлиб, ҳар бирида алоҳида рангли — оқ, яшил, кўк, бинафша ва сариқ қоғоз турган.

Дюма битта столида ёзувчи, иккинчисиде шoir, учинчисиде драматург, тўртинчисиде журналист, бешинчисиде тарихчи сифатида ижод қилар экан. Чунки битта ишдан чарчаганда иккинчисига ўтиш яхши-да, албатта! Ана шу тариқа Дюма кун бўйи ижодхонасини айланиб, столдан-столга ўтиб юрар экан.

Жорж Кюве ҳам ёшлигида айнан шунанча бўлган эди. Наполеонга ўхшаб диққат-эйтиборини бир ишдан

ди». Ҳа, ҳаётининг бу кўнгилсиз палласида олим ботқоқликда ўсган нилуфар гулидек яшади.

Дўстлик кашфиётлар қилмоғи керак!

Сент-Илернинг хотираларидан: «Кюве ўз тадқиқотларини шунчаки бир қизиқиш деб тушунар, аслида эса ўзи ҳам, бошқалар ҳам билмаган ҳолда зоология асосларини яратиб қўйган эди».

Сент-Илер олимнинг жўшқин ва сергайрат, олижаноб ҳамда фидойи дўсти бўлган. «Икковимизнинг бирон суҳбатимиз ўтмаганки, ниманидир кашф этмасак», деб эслайди кейинчалик Кюве. Бироқ жонқуяр Сент-Илер ҳам юқоридаги баҳосида янглишган эди. Кюве зоология асосларини яратибгина қолмай, янада

улғурок иш қилди



бо - бир йўла иккита фан: шқасига бир зумда кўчира олган. Бироқ Дюма сингари битта хонага бешта стол қўйишга эринган, жиндак-кина ялқовлиги бўлганини ҳам айтиб ўтиш керак-ку, ахир! Бунинг ўрнига алоҳида хоналарга кўплаб стол қўйиб чиққан ва уларнинг бари доимо кўлёмаларга тўлиб ётган. Негаки, беш дақиқа бўш фурсат топилиб қолса ҳам дуч кел-

ган хонага кириб, дуч келган столда ишлаб кетавериш анчагина осон-да! Яна шуниси борки, олими ҳатто диққатини йиғиб олишга ҳам ақалли бир дақиқа вақтини қизганиб, дарҳол ишга киришиб кетар, неча кун олдин узилиб қолган фикрини шу захотиёқ давом эттириб, шитоб билан ёза бошларди.

Ботқоқдаги нилуфар

Жорж 18 ёшида найновгина, юзини сепкил босган, кўзлари яхши кўрмайдиган бир китоб жинниси эди. Академияда тўрт йил ўқиганидан сўнг у граф Эрисининг хонадониде мураббий бўлиб ишлаб бошлади. Нақ саккиз йил умри Нормандиянинг чекка вилоятида, гадой топмас бир қишлоқда ўлғудай зерикиб билан ўтади. Бутун олами дераза ортида шовуллаётган денгизу атрофида шангиллаётган бир тўда нодон одамлар эди.

«Шу жоҳил кимсалар орасида яшаш пешонамга ёзилган экан, — дейди у бир мактубида аччиқ киноя билан. — Уларнинг маза-матрасиз суҳбатларию ранг-туссиз ҳаётдан дод, деб қочиб кетишга ҳам иложим йўқ. Ҳашаротлар ва ўсимликларни ўрганиш ўрнига бўлар-бўлмас гаплар билан хотин-халажнинг кўнглини олиб ўтиришга маҳкумман. «Бўлар-бўлмас гап» деяётганим бежиз эмас, чунки у ерда ақлироқ гапни ҳеч ким тушунмайди. «Хотин-халаж» деяётганим ҳам беқоргамас, чунки аксарияти бошқа номга арзимай-

даги ишларни амалга ошира билди. Ва Кюве бутун жаҳонга қарата мағрур хитоб этди: — Менга биттагина суюқ беринг, асосида ўша ҳайвоннинг тўлиқ қиёфасини ярата оламан!



унинг воннинг

«Барҳаётлар академияси»

Чиндан ҳам Кювега кичкинагина бир суюқни келтириб беришган, у номаълум бир ҳайвон панжасидаги бир бармоқнинг учи эди, холос. Олим ундаги тирноққа қараб, ҳайвон йирткичилигини аниқлади (уларда тирноқ росмана тигга айланиб кетади), бармоқ узунлигини ҳисоблаб чиқди. Шу асосда аввал оёқ, кейин эса шу оёқ кўтариб юрвучи тананинг катталиги ҳамда оғирлигини чамалади. Бу тананинг қўллари қандай мутаносибликда бўлиши кераклигини қиёсий анатомия қонунларига биноан аниқлай олди. Шундан кейин олим ўша ҳайвоннинг суратини чизиб, тана тузилишини тўлиқ тавсифлаб берди.

Буни қарангки, олимнинг вафотидан кейин кўп ўтмай, ўша номаълум ҳайвоннинг тўлиқ сакланиб қолган танасини топилди ва у динозаврлар оиласига мансуб бир йирткичи бўлиб чиқди. Аммо энг муҳими — инсоният кўзига илк бора кўринган бу қадимги ҳайвоннинг қиёфасию тана тузилиши Жорж Кюве аллақачонлар чизиб кетган суратга ва у башорат қилган тавсифга айнан мос тушди. Бу эса нафақат олимнинг, бал-

МАШҲУРЛАР ҲАЁТИ

ки бутун бошли палеонтология фанининг тантанаси эди!

Жорж Кюве сут эмизвучи ва судралиб юрвучи қазилма ҳайвонлардан 150га яқин турини тавсифлаб ҳамда тиклаб берди. Тадрижий тараққиёт назариясининг душмани бўлган одам шу тараққиёт манзарасини ўз қўллари билан яратиб кетган эди! Бинобарин, орадан бир неча йиллар ўтгач, машҳур инглиз табиатшуноси Чарлз Дарвиннинг дўсти Томас Гексли «Башарият тараққиёти» назарияси бўлмаганида палеонтология илми уни яратиши шарт эди», деб айтгани бежиз эмас. Мاستодонтлар ва мегатериялар каби қадимги ҳайвонларнинг Кюве яратган баҳайбат скелетлари инсон ақлини лол қолдиради. Ҳатто Наполеон Бонапартдек буюк императорнинг ўзи Европа давлатлари ҳукмдорларига шаҳсан муурожаат этиб, қадимий махлуқларнинг суюқларини Кюве учун жўнатишларини илтимос қилган.

Император олимни ниҳоятда яхши кўрар, орденлар билан мукофотлар, муҳим топшириқларни ишониб топширар, хуллас, унга юксак даражада иззат-эҳтиром кўрсатарди. Ҳа, ҳаёт Кювега тақдир ато эт-Франция тарихининг далғов ганига дордор меҳр-

ноёб ган — у тақдир ато эт-Франция тарихининг далғов ганига дордор меҳр-

энг алғов-даврида яшарамай, ҳукмдорларнинг олий мурувватига деб билган бу одам айни пайтда «Барҳаётлар академияси» аъзоси, Давлат кенгашининг ички ишлар кўмитаси президенти, Қироллик комиссари, Фахрий легион ордени соҳиби, Франция пэри бўлган.

Мен шоҳ эмас, ахир отаман!

Кўринишидан, у ҳар томонлама нуфузли олим, бахтли одам эди, аммо гаддор қисмат бир жиҳатдан унинг шўрлик бошига аччиқ мусибатлар солди. Уғилларидан бири уч ойлигида, иккинчиси 8 ёшида, қизларидан биринчиси 4 ёшида, иккинчиси эса нақ тўйи арафасида — 22 ёшида вафот этди. Тақдирнинг беаёв зарбаларидан букчайиб қолган кекса олим икки ойгача уйга қамалиб, хонанишин бўлиб ўтирди.

Кейин эса... Давлат кенгашининг мажлисига келиб, раислик ўрнига ўтди. Кейин эса... мажлисини яқунлаш учун ўрнидан туриб сўз бошлади ва ногаҳонда... хўнграб йиғлаб юборди, қўллари билан юзини беркиртиб олди. Бироз муддатдан сўнг ўзини тутиб олгач, Кюве йиғилганлардан узр сўради: — Мен йўл тутгайсизлар, жаноблар... Мен ҳам одамман, ахир... Бор-йўқ давлатимдан айрилдим...

Ҳа, ҳаётда мутлақо бахтли даҳоларнинг ўзи бўлмайди, чоғи.

Жорж Кюве тўсатдан — икки кун ичида оламдан ўтди. Яъни бизнинг иборамиз билан айтганда, ажал уни «елдек келиб, селдек олди». Ўшундан у 63 ёшда эди, ҳамма бир оғиздан «энг қирчилмама пайтда кетди», дея ўқинди. Ва бу муболага эмасди мутлақо! Олим болалигида нимжонгина ўсган бўлса ҳам қариган чоғида, гўё руҳияти билан бахслагандек, танаси соғлом ва бақувват эди.

Кювнинг жасади ёриб қирилганида эса анатомлар ҳайратда қолишди — унинг миеси оддий одамникига нисбатан 400 грамм оғирроқ экан. Хўш, бу афзаллик унга нима учун берилган эди?

Ўзи билмагани ҳолда буюк даҳо бўлиши учунми? Ҳуд тўртта фарзандининг доғида қуйиб ўтиши учунми?

Мухтабар НУСПАТОВА тайёрлади.

**Республика "Маҳалла"
жамғармасининг Тошкент
шаҳар бўлими жамоаси**

*мамлакатимиз аҳлини Юртбошимиз ташаббуси
билан "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинган
2010 йил билан самимий*

ТАБРИКЛАЙДИ!
2010

*Янги йил юртимиздаги барча
оилаларга сиҳат-саломатлик,
фаровонлик, дастурхонларига
тўкинлик, файзу барака олиб
келсин!*

**Айёмингиз муборак бўлсин,
азизлар!**




“Саломатлик туман бойлик” деб бежиз айтилмаган. Хар қандай зебу зийнат, қимматбаҳо жабоҳирлар “соғлик” дея аталмиш улуғ бойликнинг олдида заррачалик қадр-қимматга эга эмаслигини доноларимиз бежизга қ а ў т а - қ а ў т а таъкидлашмаган.



Ана шу муқаддас бойликни асраб-авайлаш йўлида халқимизга беминнат хизмат кўрсатаётган

“ЧИНОБОД”

очиқ акционерлик жамияти жамоаси



ватандошларимизни қутлуғ
Янги йил байрами билан
қутлайди!
“Баркамол авлод йили”
муборак бўлсин!



*Янги —
2010 “Баркамол
авлод йили”
муносабати
билан*

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

Барча юртдошларимизни, шу жумладан, халқ таълими соҳасида фидойилик намуналарини кўрсатиб ишлаётган устоз-мураббийларни чин юракдан қутлайди!

Буюк истиқлолимиз илму маърифат бобида дунё аҳлини лол қолдирган авлод-аждодларимиз, аллома боболаримизга чин ворис эканлигимизни намоён этмоқ учун улкан имкониятларни берди. Бугунги ёшлар эртанги кунимиз эгалари, чин маънода баркамол авлод бўлиб вояга етаётир. Имонимиз комилки, улар халқимизнинг юксак ишончини оқлайди.

**ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ
ҚУТЛУФ БЎЛСИН!**



**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ПАСТДАРҒОМ
ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ,
“МАҲАЛЛА” ЖАМҒАРМАСИ ТУМАН
БЎЛИМИ ЖАМОАЛАРИ**

*Халқимизни ҳамда туманимиз аҳлини муборак айёмлардан бири
— Янги йил байрами билан самимий табриклайди!*

Албатта, “Қишлоқ таъриқини ва фаровонлиги йили” элдошларимиз ҳаётида ўзига хос из қолдирди. Юртимизимиз ташаббуси, ҳукуматимизнинг сазғи-ҳаракатлари шуфайли бунёдкорлик, қишлоқ ва маҳаллаларимизни обод қилиш йўлида амалга оширилган улкан хайрли ишлар 2010 йилда ҳам узвий давом эттирилади.

Ҳар бир оиллага соғлиқ ва омонлик, тинчлик-тотувлик ҳамиша ёр бўлсин!

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!
«Тошкентгазтаъминот»
унитар корхонасининг
«ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ» филиали**

Сизларни Янги — 2010 — «Баркамол авлод йили» билан чин дилдан муборакбод этади!

Сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака, бахт-саодат тилайди!



Фурсатдан фойдаланиб қуйидагиларни эслатиб ўтамиз:

- газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг ва қаровсиз қолдирманг;
- газ асбобларини ўрнатиш ва таъмирлаш ишларини бажаришда тумангаз мутахассислари хизматидан фойдаланинг;
- агар газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол «тумангаз» авария диспетчерлик хизматига ёки «Тошкентшаҳаргаз» марказий авария диспетчерлик хизматига 04; 255-44-27; 253-56-19; 253-56-31 телефонлари орқали мурожаат қилинг.

Шуни эсдан чиқармангки, табиий газдан оқилона фойдаланиш ва сарфланган газ ҳақини ўз вақтида тўлаш — шаҳримиз газ қувурлари ва ускуналарини ўз вақтида таъмирлаш, коммунал хизматлар сифатини ошириш имкониятини яратади.

Дунё кўрган кексалар дуога қўл очсалар, энг аввало, юртимизга тинчлик, барқарорлик, ҳаётимизга фаровонлик, оилаларимизга эса тотувлик ва аҳиллик кўрк бағишлашини Яратгандан сўрайдилар.

Бизнинг ҳам тилагимиз шундай: илоё, Янги—2010 йилда ҳам озод ва обод Ватанимиз ҳамиша гуллаб-яшнайсин!

Самимий эҳтиром билан

**“ТОШБОЗОРТАЙЁРЛОВСАВДО”
УЮШМАСИ БОШҚАРУВИ ЖАМОАСИ**





ҚИРҒИЙ — Тумшуги қалта ва қайрилган, асосан унча йирик бўлмаган қуш, паррандаларни овлашга солинадиган соҳибчангал йиртқич қуш. Ш.Раҳматуллаев лугатига кўра, «қирғий» сўзи «тирна» маъносини билдирувчи «қыр» феълининг «чангалга ол» маъносини кучайтириб, «ғий» қўшимчаси қўшилиши натижасида ясалгандир.

«**ҚУРУМСОҚ ҲАТТО** сарқитиниям итдан кўрийдим» да бу сўз «сарф-харажатдан, чиқимдан қочадиган, зикна, хасис», деб изоҳланган. Ш.Раҳматуллаев ушбу ибора этимологиясини «сақла», «қўрикла» маъносини аниқлатувчи «қўри» феълидан келиб чиққан деб шарҳлаган. Масалан, «Бу курумсоқ ҳатто сарқитиниям итдан кўрийдим».

ОВКАТ — Шоир Миртемир изохига кўра, бу сўз асли «аквот»дир. Чунки, «овкат» — «вақтлар» деган маънони билдиради. «Аквот» эса, «қувват» сўзининг кўплигидир. Эшқобил ШУКУР тайёрлади

«ЭНГ ЗУККО ҚУТЛАЙМИЗ!» ОИЛА» ФОЛИБИ АНИҚЛАНДИ

Муҳтарам юртдошлар! Хабарингиз бўлса, шу йилнинг бошида газетамиз орқали сизларни «Энг зукко оила» деб номланган фикр беллашувига қорлаган эдик. Албатта, бизнинг кўзлаган асл мақсадимиз мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшаётган минг-минглаб оилалар орасида маърифатга ошно қалбларни тарғиб этиб, улар номини «Оила ва жамият» саҳифалари танитиш эди.

Бугун 2009 йилнинг энг сўнгги кунинда ана шу таваккур беллашувига ўз мактубларини йўллаган ва қадрли вақтини аямай тахририятга кўнгирак қилган ёки бевосита ташриф буюриб, эълон қилинган саволларга жавоб топишга уринган барча юртдошларимизга, шу жумладан, Андижон вилояти Балиқчи тумани, Чинобод шаҳарчасида яшаётган **АБДУЛҲАМИДОВ**лар, тошкентлик **Гайнижамол АСҚАРОВА**, олмаликлик Раъно **ПАРДАЕВА**, Нукус шаҳрида истиқомат қилувчи **Галия ИЗИМБЕТОВА**, Хоразм вилояти Янгиариқ тумани, Қиёт маҳалласида яшовчи Санжар **КУРБОНОВ**лар оиласига самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Дарвоқе, ҳар қандай танлов ёки беллашувда голибини аниқлаш осон кечмайди. Бу табиийки, бизнинг жамоамиз иқдоркорларини ҳам анча ўйлантириб қўйди. Ниҳоят, «Энг зукко оила» аниқланди: ушбу эътирофга газетамизда эълон қилинган барча саволларга деярли тўлалигича жавоб топишга муваффақ бўлган Тошкент шаҳрида яшаётган Абдумажид **АХМЕДОВ**лар оиласи сазовор деб топилди.

Биз мазкур оила аъзоларининг барчасини тахририятимиз ҳамда кўп минглаб газетхонларимиз номидан аввало Янги йил айёми, шунингдек, ушбу ўзига хос синозда муваффақият қозонганликлари билан чин юракдан табриқлаймиз

ТАХРИРИЯТ
ИЗОХ: Фолиб деб топилган оила аъзолари газетамизга кўнгирак қилиб, боғланишларини сўраймиз.



АҚЛ КУНДА, ҲУСН ТҮЙДА...

«Зилотанинг чиройига ошиқ бўлганман. Ҳусн бобидан у тенгсиз эди. Аммо... рўзгор тугиш, бола парваришдашда кўксиз чиқди. Шунинг учун икки боламнинг боши касалдан аримади. Улар эсини таниб, ўзларини эплагудай бўлгунча тишимни-тишимга қўйиб чидадим. Ноилоҳ, асабларим чарчади. Худо кўрсатмасин, мабодо бошим ёстиққа теккудай бўлса у менга қайрилиб ҳам қарамаслигига кўзим етди ва охири ажрашдик. Ёшим 37 да. Оддий ишчман. Уйим-жойим дейдиган, қалби гўзал аёл бўлса бахтли қилмоқ ниятдаман.

Аскар, Тошкент вилояти».

ҚУШНИНГ ҲАМ УЯСИ БУЗИЛМАСИН

«Рустам билан севишиб турмуш қургандик. Қайнота-қайнонам мени эркалаб «Қумушбиби қизим» дейишарди. Рўзгор тугимим, хушмуомалалигим уларга маъқул бўлиб, таниган-билганга мени мақтарди. Рустам билан уч ўғил кўриб, бирор марта «сиз» озгимиз «сенга» бормади. Укасини уланган, ҳовли-жой қилиб алоҳида яшай бошладик. Гоҳида Рустам «бировдан кам жойим йўқ. Рисола-

дагидек оилам, ҳовли-жойим, машинам бор. Омадлиман, бахтлиман-да, Қумуш», дерди. Афсуски, бу омад, бахтни унинг битта қалтис қадами барбод қилди. У кўнни кизга тажовуз қилганликда айбланди. Бу айбловдан унга нисбатан ишончимга дарз кетди. Энам «қушинг ҳам уяси бузилмасин», дерди. Лекин бизлар ажрашдик... У шу кизга уйланди. Ака-укаларим суняч бўлса-да, гоҳида келинларнинг раъйига қараш малол келаркан. Битта ўғлим ўзим билан. Ёшим 39 да. Қадримга етадиган, диёнатли инсон учраса, мустаҳкам оила қуриш ниятдаман.

Қумуш, Қашқадарё вилояти».

ПЕШОНАМГА СИГМАДИ

«Ҳалима раҳматли онам суйган келин эди. У билан жуда бахтли ҳаёт кечираётгандик. Уч ўғил, бир қизимизни еру кўкка ишонмасди. Топган-тутганим баракали, хонадоним файзли эди. Қутилмаганда бедаво дардга

чалиниб қолди ва оламдан ўтди. Ҳа, биз эндигина катта ўғлимизни ўйлантириб, қизимизни узатгандик. Шундай қилиб, 56 ёшимда сўққабош бўлиб қолдим. Фарзандларим ҳам ўйланишимга рози. Газета орқали ўз жуфтини топаётганлар ҳақида ўқиганам учун умид билан сизлардан ёрдам сўрайман.

Рихсиддин, Тошкент шаҳри».

МИННАТДОРМИЗ

— Алло, тахририятми?
— Ҳа, эшитамиз.
— Термиздан Жамшидман.
— Сурайёни топдингизми?
— У ёнимда. Аҳду паймон қилиб, никоҳдан ўтиш учун ариза ёзиб келаяпмиз. Худо хоҳлса, бир ойдан сўнг оила қураимиз. Бир шаҳарда яшасак-да, сеvimли газетамиз сабаб бўлмаганида бир-биримизни тополмасдик. Сизларга минг раҳмат. Барчангизга Янги йил муборак бўлсин!

— Раҳмат, бахтли бўлинг!

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» ружнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар ўзлари билан паспортлари нусхаси ҳамда яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. **МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

«ИНФАРММАДАД»

Саломатлик марказига марҳамат!

Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларидаги малакали шифокорлар шунингдек, **УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия хизмати фаолият олиб боради.**

КўПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУХҒА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!

Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.

Энди дунёга келган чақалоқлар эса мунтазам равишда болалар невропатолог, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригидан бўлади.

Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқиши, пешоб келгандан сўнг ачишиши, жинсий ожизлик, бепуштлиқ, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб, қотиб қолиши, асабийлик, уяқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатиб, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориг бўлишингиз мумкин.

Баалоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлиқ, сабабсиз қон кетиши, туҳмудон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босимининг ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Ғафур Ғулум» метро бекати.

МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади. Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02

Барча хизматлар лицензияланган.

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

куйдаги ўқув курсларга таклиф этади.

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шини, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Хамширалар — 6 ой, 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт.
- Тиббий массаж — 2 ой амалиёт билан. Нуктали — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар амалиёти билан — 2 ой.
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой, амалиёти билан.
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой, амалиёт билан.
- Педикюр, маникюр — 1 ой, амалиёт билан.
- Сартарошлиқ — 3 ой, амалиёти билан.
- Тўй ва оқшом турмаклар ва макياج — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Парда ва чойшаблар — 1 ой амалиёт билан.
- Сартарошлиқ — 2-3 ой ўқил болалар учун. Салонда.
- Каштачилик — 3 ой машинада вишивка.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
- Сунъий гул яшаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

■ Машғулотлар амалиёти билан ■ Етоқхона мавжуд

Ўқишни тугатганларга **ДИПЛОМ** берилади

Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.

Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

<p>Фойдаланилмаган кўлемлар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.</p> <p>«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 16:00.</p> <p>E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz</p>	<p>Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ</p> <p>Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20</p> <p>Мухбирлар: 234-25-46</p> <p>Котибият: 233-04-35</p> <p>Реклама бўлими: 233-04-50</p> <p>Web-site: oilavajamiyat.uz</p> <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>Тошкент — 700000</p> <p>Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй</p> <p>Мўлжал: «Олой» бозори ёнида</p>	<p>ОБУНА ИНДЕКСИ — 176</p> <p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Бюортма Г — 1132. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади — 9118</p> <p>Навбатчи — Тамара ХУММАМАТОВА</p> <p>Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ</p> <p>Мусахҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ, Камола АХМЕДОВА</p>
---	--	--	--

ISSN 2010-7609 1 2 3 4 5